

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 14 МАЙ КУНИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНОАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ЙИФИЛИШ ЎТКАЗДИ.



# ҲУҚУҚ

1997-йил 27-avgustdan chiqq boshlagan

www.huquq.uz

2019-y. 16-MAY, №20 (1165)

**БЮРОГА  
ОТАСИ БИЛАН  
КЕЛГАН БОЛАЛАР  
ОНАСИНИНГ  
ЮЗИГА ҚАРАШНИ  
ҲАМ ИСТАМАДИ...** 2

**УЙИ БУЗИЛГАН  
ФУҚАРОНИНГ  
МУРОЖААТИ  
БЎЙИЧА УНГА  
2 СОТИХ ЕР  
МАЙДОНИ  
АЖРАТИЛДИ.** 5

**«ДАРСДА  
УСТОЗНИНГ  
АСАБИНИ  
БУЗАМАН, УРИШИБ  
БЕРАДИ, СЕН ШУНИ  
ВИДЕОГА ОЛ.  
ТАРҚАТВОРАМИЗ...** 6

**ГАЗ ИДОРАСИ  
ХОДИМЛАРИ  
58 НАФАР  
ФУҚАРОГА  
АССОСИЗ РАВИШДА  
ҚАРЗДОРЛИК  
«ИЛИБ» КЎЙИШГАН.** 10

## ТАРБИЯ ТАЪЛИМДАН УСТУН

ШИРИН МЕВА УМИДИ ИЛА  
КЎЧАТ ЭККАН БОФБОН УНИНГ  
ПАРВАРИШИ УЧУН ЙИЛЛАБ  
ЗАҲМАТ ЧЕККАНИ КАБИ,  
ФАРЗАНДЛАР РОҲАТ-  
ФАРОФАТИНИ КЎРИШ  
УМИДИДАГИ МЕҲНАТ ХУДДИ  
ИГНА БИЛАН КУДУҚ ҚАЗИШ  
КАБИ ОФИР ВА  
МАШАҚҚАТЛИДИР.



6-бетда



**НЕГА ЯНА  
5 ЙИЛ?**

**АҲОЛИ ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ  
КЕЛИШИНИ КУТИШГА МАЖБУРМИ?**

2-бетда



**ВАТАН ҲИМОЯСИ УЧУН  
«ТЕПАДА»ГИЛАРГА УЗАТИШ КЕРАК...МИ?**

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА БОРИШ  
УЧУН ТАЛАБГОРЛАР СОНИНИНГ ОРТИШИ  
АЙРИМ НОПОК КИМСАЛАРНИНГ  
ЧЎНТАГИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

8-бетда

## ДАРБАДАРЛИК ОРТИДАГИ ФОЖИА

Мурувват уйдан  
бошлана берилиб,  
ижтимоий ҳимояга  
олинган, муассасадан  
чиқиб кетгач, ўз  
билганидан қолмасдан,  
ичкиликка муқассабадан  
кечган фуқаро  
охир-оқибат унга осир  
жамиятга қўл урди.



9-бетда

## НАЙРАНГБОЗ БАНКИР



БАНҚДАН КРЕДИТ ОЛИБ, ҚИСКА МУДДАТДА  
ҚАРЗДОРЛИКНИ БАРТАРАФ ҚИЛГАН ФУҚАРО  
ОРАДАН 5-6 ЙИЛ ЎТИБ, КРЕДИТНИ ТЎЛАБ  
КЎЙИШ ҲАҚИДА ОҒОҲЛАНТИРИШ ОЛДИ...

4-бетда



# НЕГА ЯНА 5 ЙИЛ?

Газетамизнинг 2019 йил 28 февраль сонида чоп этилган "Қоғозда қолган лойиҳа" сарлавҳали мақолага Қашқадарё вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Азизов берган жавобига мухбиримиз эътирози.

Мазкур мақола Осиё тараққиёт банки раҳбариятининг Гулистон, Жиззах ва Қарши шаҳарлари аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳасига асосан Ўзбекистонга тўлган муддати 25 йил бўлган муддатга кредит ажратгани ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Осиё тараққиёт банки иштирокида Гулистон, Жиззах ва Қарши шаҳарларининг сув таъминоти тизимини такомиллаштириш лойиҳасини амалга ошириш чоратдирлари тўғрисида"ги Қарори бажарилмагани боис чиқарилган суд ҳукми асосида ёзилган эди. Қолаверса, баъзи кўчаларни ўзим бевосита бориб кўрган бўлсам, бошқа кўчалор ҳақидаги маълумотни маҳалла фуқаролар йиғинининг раисидан сўраб олганман. Қарорда Қарши шаҳрини тоза ичимлик суви билан таъминлаш дейилган бўлса, ҳукмда ҳам фалон-фалон кўчалар деб ажратиб кўрсатилмаган. Ўринбосарнинг жавобидан сўнг Лолобоғ, Булоқ, Зардўзлик, Тошўрик ва Тўпхона кўчаларида бўлиб, аҳоли билан суҳбатлашдим, уларнинг кўчаларига ҳақиқатдан ҳам сув келмаётгани, сувни машиналардан ҳозирча 50 минг сўмдан сотиб олиб ишлаштираётганининг гувоҳи бўлдим.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари танқидий мақолага жавоб ёзишдан олдин "Комилон" маҳалласига бориб, одамлар билан мулоқот қилсин эди, уларнинг дардини тингласин эди. Республика, вилоят ва туман микёсидаги раҳбарлар аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қиляпти, уларнинг муаммоларини бевосита жойида аниқлаб, ҳал этиш чораларини кўраётти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилсин", деганлари бежиз эмас. Манас шаҳри тўрт ойда қуриб битказилди. Сайёр қабуллар жараёнида неча йиллардан буён ҳал бўлмаётган муаммолар жойида ҳал этилмоқда. Ҳоким ўринбосари эса Қарши шаҳрининг марказидаги маҳалланинг кўчалари яна беш йилдан кейин тўлиқ тоза ичимлик суви билан таъминланишини ваъда қиляпти.

Халқимизда "Балиқ-сув билан тирик", деган мақол бор. Нафақат балиқ, балки оламдаги барча мавжудот сув билан тирик. Сувсиз уруғ ниш урмайди, майса кўкармайди. Инсон очликка бардош бериши мумкин, бироқ сувсизликка чидаёлмайди. Сабаби, организмимизнинг 70-80 фоизи сувдан ташкил топган. Сувсиз ҳаёт йўқ, деган ҳикматли сўзнинг маъноси шу аслида. Шундай экан, жаноб ҳоким ўринбосари ва Қарши шаҳар ҳокимиятидаги мутасаддилар халқ дардига қулоқ солсалар, нур устига нур бўларди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш — одамийликнинг энг олий мезонидир.

Норбўта ҲОЗИЕВ,  
«Нидо»



## ҚАРЗДОР ОНА

Қарздор онадан 3 нафар фарзанди учун отага 16 миллион сўмдан ортиқ алимент пули ундириб берилди.

Она. Фарзанд учун бир дунё у, уни таърифлаш учун муносиб бир сўз топиш қийин. Фарзандлари учун жонини беришга тайёр фаришта мисолида кўрамыз уни. Аммо афсуски, гурuch курмакисиз бўлмайдиган деганларидек, орамизда оналикни ҳис қилмайдиган бемехр ва масъулиятсиз оналар ҳам бор.

Мадина опа 3 нафар фарзанднинг онаси эди. Оиладаги келишмовчиликлар сабаб 2017 йилда турмуш ўртоғи билан ажрашди. Аммо у барча оналардек фарзандларини ўзида қолдириш учун жон-жаҳди билан курашмади, бунга ҳаракат ҳам қилмади. Шу йил уларни ташлаб, ишлаш учун чет давлатга кетди.

Фуқаролик ишлари бўйича Яқкабоғ туманлараро суди томонидан қарздор М.Тиллаевадан (исм-фамилияси ўзгартirilган) ундирувчи А.Валиевнинг фойдасига уч нафар фарзанди-

Ақбар РАДЖАБОВ,  
МИБ Яқкабоғ туман бўлими бошлиғи

нинг моддий таъминоти учун алимент ундириш тўғрисида суд буйруғи чиқарилди ва ижро қилиш учун Маъжбурий ижро бюросининг Яқкабоғ туман бўлимига юборилди.

Шундан сўнг бўлим томонидан олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида қарздор жорий йилнинг 15 апрель куни 2017 йилдан 2019 йилнинг шу даврига қадар бўлган жами 16 миллион 560 минг сўм қарздорлигини тўлиқ тўлаб берди. Пуллар ундирилган, икки тараф ўзаро келишиди ва ижро ҳужжати тамомланди.

Аммо ачинарлиси, Бюронинг туман бўлимига отаси билан келган болалар, ҳаттоки, онасининг юзини ҳам кўришни исташмади...

Ҳар ким яхши шароитда, барча имконият мавжуд бўлган муҳитда бахтли-саодатли яшашни истайди. Бундай эзгу орзу-истакни рўёбга чиқариш учун юртимизда барча сайё-ҳаракатлар ана шундай юксак мақсадга йўналтирилмоқда. Ташаббусларнинг жойлардаги ихросини тўлақонли таъминлаш эса олдимизда турган энг улкан вазифадир.

# ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚАЛБ БИЛАН МУЛОҚОТДИР

Шу боис, халқ орасига кириш, аҳоли билан яқиндан мулоқот ўрнатилган ҳамда уларнинг дардини эшитиб, оғирини енгил қилишга кўмаклашиш бугунги кун раҳбар ходимлари, мутасадди идораларнинг энг долзарб вазифаларидан бирига айланган.

Жорий йилнинг 7-8 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари А.Мавлоновнинг Наманган вилоятининг Норин ва Поп туманларида ўтказган сайёр қабули ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

Сайёр қабуллар давомида 95 нафар фуқаронинг муурожаати қабул қилинди. Уларнинг 17 таси жойида ҳал этилди, бундан 7 таси қаноатлантирилиб, 10 таси бўйича тушунтириш берилди. 21 таси Бош прокуратура назоратига олиниб,

Шукрулло ҲАТАМОВ,

Бош прокуратура бошқарма прокурори

сусан, икки нафар фуқаро ишга жойлашиш борасида муурожаат қилганди. Поп тумани, "Алишер Навоий" МФИда истиқомат қилувчи Гулёра Собитова тумандаги ташкилотлардан бирига ҳисобчи вазифасига ишга жойлаштирилди. 2018 йилда Поп тумани Тиббиёт коллежини тамомлаган Ситора Мирзаева туман тиббиёт бирлашмасида ҳамшира сифатида иш бошлади.

Бундан ташқари, 3 нафар фуқарога тиббиёт муассасаларида даволаниш учун ордер берилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, сайёр қабуллардаги аксарият муурожа-



57 таси тегишлилиги бўйича ўрганилмоқда.

Норин туманида ўтказилган сайёр қабулда 42 та муурожаат қабул қилинди. Шундан 3 таси ҳал этилиб, 12 таси Бош прокуратурага юборилди, 27 таси ўрганилмоқда.

Фуқаролар, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашган мазкур тадбирда муурожаатлар, асосан ишга жойлашиш, соғлиқни сақлаш, уй-жой, моддий ёрдам, йўлларни таъмирлаш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, суд қарорлари, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда коммунал масалаларга оид бўлди.

Муурожаатларнинг аксариятига шу ернинг ўзида ечим топилди. Хусусан, 1949 йилда туғилган, Норин тумани, "Зарбдор" МФИда яшовчи Сорахон Аббосова Ҳаж зиёрати масаласида муурожаат қилди. Унинг билдиришича, турмуш ўртоғи Зиёвуддин Аббосов билан биргаликда Ҳаж зиёрати учун вилоят ҳокимлигига муурожаат этишган. Жорий йилда улар зиёратга боришлари керак эди. Бироқ ўтган йили 3.Аббосов вафот этди.

— Биз билан навбати келганлар эрхотин экан. Улар бу йил бориб кела қолмишсин. Менинг навбатимни кейинги йилга суришда амалий ёрдам сўраб келгандим, — деди С.Аббосова ўз муурожаатида.

Масъуллаар мазкур муурожаатни жойида ҳал этишди. С.Аббосова кейинги йилги Ҳаж зиёратига борувчилар рўйхатига киритилди.

Поп туманида ўтказилган сайёр қабулда 53 та муурожаат қабул қилинди. Шундан 14 таси жойида ҳал этилди, яъни 7 таси қаноатлантирилиб, 7 таси бўйича тушунтириш берилди. 9 та муурожаат Бош прокуратурага юборилди. 30 таси эса ўрганилмоқда. Ху-

атлар ундирув билан боғлиқ бўлмоқда. Масалан, фуқаро Д.Маматов опаси О.Шодиқуловага собиқ турмуш ўртоғидан фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг қарорига асосан алимент пули ундирилиши белгилангани, бироқ ҳозирги кунда қарздор томонидан фарзандлари учун тўланиши керак бўлган 11 миллион 968 минг сўм алимент пуллари тўланмаётгани, унга чеклов қўйилганига қарамай, Россия давлатига кетганини баён этиб, мазкур алимент пуллари ундиришда амалий ёрдам сўраган.

**Бош прокурор ўринбосари томонидан 100 нафарга яқин фуқаронинг муурожаати қабул қилинди.**

Мазкур ҳолат ўрганилганида аниқланишича, А.Шодиқуловдан алимент ундириш имконияти йўқ, деб топилган. Сайёр қабул жараёнида суд қарори қайта ижро иши юритувига олинди.

Шунингдек, Поп тумани, "Фурумсарой" МФИда яшовчи фуқаро Д.Абдуллаев ўзига нисбатан алиментдан бўлган қарздорлик бўйича қўлланилган чекловни бекор қилиш бўйича муурожаат этган. Сайёр қабул жараёнида у 3,5 миллион сўм алиментдан бўлган қарздорликни тўлиқ тўлади ва четга чиқишга чеклов олиб ташланди.

Сайёр қабулда ечимли маълум вақт талаб этадиган муурожаатлар бўйича тегишли ташкилотларга кўрсатмалар берилиб, ижроси назоратга олинди.



# ИЖТИМОЙ МУАММОЛАР ЕЧИМИ

## дастур ижросига боғлиқ

Жаҳонгир АКБАРОВ,  
Фаргона вилоят прокуратураси  
бўлим бошлигининг ўринбосари

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти органлари томонидан Қосон туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази мансабдор шахслари мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, ўзганининг мулкни ўзлаштириши йўли билан талон-торож қилгани фош этилди.

JARAYON

## Мавқеини суиистеъмол қилган мансабдорлар

Шухрат ХОМИДОВ,  
Бош прокуратура ҳузуридаги  
Департамент бўлим  
катта инспектори

Жумладан, улар ДСЭМНнинг "бактериология" ва "паразитология" бўлимларидан тиббий қўриқдан ўтиш учун туман халқ таълими бўлими ходимлари томонидан тўланган 7,5 миллион сўм, туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари томонидан тўланган 40,1 миллион сўм ва туман мактабгача таълим бўлими ходимлари томонидан тўланган 13,2 миллион сўм, жами 60,9 миллион сўм пул маблағларини марказ газнасига кирим қилмасдан ўзлаштириши йўли билан талон-торож қилишган.

Яна бир ҳолат, "Хоразм-агротехника" АЖ Кўшқўпир туман филиали фаолияти ўрганилганда, мазкур филиал марказий омбор мудири вазифасида ишлаб келавётган фуқаро Бахтиёр Юнусов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) 2017-2019 йиллар давомида жами 472 миллион сўмлик минерал ўғитларни фуқаролар ва фермер хўжалиқларига нақд пулга сотиб юборганлиги аниқланган.

Худди шу каби, "Турон-банк" АТБ Самарқанд филиали мансабдор шахсларининг яқка тартибдаги тадбиркор Ч.Сайтқулов ва бошқаларнинг имзоларини қалбақлаштириб, сохта ҳужжатлар тузишиб, уларнинг номига иссиқхона сотиб олиш учун деб, банкдан 58,8 миллион сўм кредит маблағлари олиб, талон-торож қилганликлари аниқланган.

Бундан ташқари, "Турон-банк" АТБ Марказий амалиёт бошқармаси мутахассиси Ўткир Жамолов ажратилган кредит маблағларининг мақсадли сарфланиши юзасидан ўтказиладиган мониторинг ҳужжатларини ҳам қалбақлаштириб келгани аниқланган.

Бу ҳуқуқбузарларнинг қилмишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Уз нафсини халқ, жамият манфаатларидан устун қўйган қонунбузарларга нисбатан тегишли ҳуқуқий чоралар кўрилди.

Бугун тадбиркорлик иқтисодий ривожлантиришнинг етакчи омилига айланди. Негаки, аҳолини бу соҳага кенг жалб этиш баробарида бандлик муаммосини ҳал этиш имконияти кенгаймоқда. Вилоятда "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида ўтган йилда 5563 та лойиҳага кредит маблағлари ажратилганди. Ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги йўналишларида ажратилган кредитларнинг 107 миллиард 100 миллион сўми ўзлаштирилди. Имтиёзли кредитлар ажратилиши натижасида 7500 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қароридан белгиланган вазифалар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Жорий йилда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун 486 миллиард сўм ажратилиши режалаш-

та кам таъминланган оиланинг ягона рўйхати шакллантирилди. Хатлов натижасида виллоятдаги кам таъминланган оилаларнинг 8 минг 369 таси ёки 42 фоизи кредит олиш истagini билдирди. Уларнинг кредитга бўлган талаби 57 миллиард 200 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Эхтиёжманд оилаларнинг 652 тасига дастурнинг биринчи босқичида 10 миллиард 900 миллион сўм имтиёзли кредит

### Давлат раҳбарининг 5 та муҳим ташаббуси асосида 214 та лойиҳанинг манзилли дастури тайёрланди.

тирилган. Бугунги кунга қадар ишлаб чиқариш йўналиши бўйича 2118 та лойиҳага 31,7 миллиард сўм, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги 1986 та лойиҳага 31,4 миллиард сўм ажратилди.

"Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш маркази"да малакали ходимлар ишлашаётти. Дастурда иштирок этаётган барча тижорат банкларида оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш махсус бўлимлари ташкил этилган. Ажратилган имтиёзли кредитларнинг мақсадли ишлатилиши ҳамда яратилган янги иш ўринлари Мониторинг гуруҳи томонидан доимий ўрганиб борилмоқда. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқароларга кредит ажратилиб, фаолиятини йўлга қўйганда сўнг, давлат рўйхатидан ўтиши, янги иш ўринлари яратилишининг алоҳида ҳисоби юритилаётти. Имтиёзли кредит ажратилган фуқаро-тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, кўрсатилган хизмат ҳажми ва иш ўринларининг ҳисоботлари таҳлил қилиб борилмоқда.

Оилавий тадбиркорликка биринчи навбатда кам таъминланган оилалар жалб этилмоқда. Ана шу мақсадда Иқтисодий комплекс таркибига кирувчи бошқарма ва ташкилотлар ҳамда тижорат банкларининг филиаллари раҳбарлари шаҳар ва туманларга, уларнинг ҳудудий тузилмалари эса тегишлигича МФЙлар ва хонадонларга бириктирилиб, хатлов ўтказилди. Хатлов жараёни янгича тажриба асосида ўтказилиб, ягона шаклдаги ўсровнома бўйича ҳар бир хонадон билан алоҳида суҳбат далолатномалари расмийлаштирилди. Шу тариха 20 минг 42

ажратилган. Бугунги кунга қадар эхтиёжманд оилаларнинг 1987 тасига яна 8 миллиард 600 миллион сўм имтиёзли кредит маблағлари берилди. Эътиборли жиҳати, хатлов мобайнида кредит олишни истамаган эхтиёжманд оилаларда ён-атрофидаги ёки маҳалласидаги кредит олган фуқаролар фойда олаётганини кўриб, кредит олиш хоҳиши туғилаётгани, банкларга мурожаат этишаётгани кузатилмоқда.

### Вилоятда 82 та кластер ташкил этиш истагини билдирган ташаббускорлар рўйхати шакллантирилди.

Дастур доирасида жорий йилда 2 та кластер ташкил этилади. Хусусан, Олтириқ туманидаги "Агромакс долина" МЧЖ томонидан чорвачилик кластери ташкил қилинади. Россия Федерациясидан 5 минг бош насли қорамол келтирилиб, аҳолига имтиёзли кредит ҳисобидан тарқатилган ҳамда мазкур чорва молларининг сўти харид қилиб олиниб, шаҳар ва туманларда барпо этиладиган 35 та сутни қайта ишлаш корхонасига етказиб берилди.

Қўштепа туманидаги "Исомилжон гиламлари" корхонаси ташаббуси билан шаҳар ва туманлардаги 15 та корхонанинг бўш турган биноларига умумий қиймати 15 миллиард 300 миллион сўмдан иборат лойиҳа асосида қасаначилик кластери барпо этилади. Корхона томонидан аҳоли касб-хўнарга ўқитилади ҳамда хонадонларга ускуна ва хомашё етказиб берилди. Ушбу жара-

ёнда 4500 нафар хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратилади.

Дастурга биноан имтиёзли кредитлар ажратиш ваколати виллоятларга ўтказилгани кредит ажратиш механизмининг соддалашиши ва масъуллар ўртасида ҳамкорлик янада кучайишини таъминламоқда. Энг кам иш ҳақининг 150 баробаридан ортиқ миқдорда кредит ажратиладиган лойиҳалар бўйича яна бир тизимли иш ташкил этилмоқда. Хафанинг сешанба куни шаҳар ва туманлар марказлари ана шу миқдорда кредит талаби мавжуд лойиҳаларни виллоят марказига тақдим этишди. Шанба куни эса виллоят ҳокимлигига барча марказлар аъзолари, лойиҳа ташаббускорлари, тижорат банкларининг раҳбарлари тақлиф қилиниб, ташаббускорлар 3 вақаддан иборат лойиҳаларини (слайд) тақдим этидилар. (Тақдимот жараёнида Бандлик бош бошқармаси томонидан ташаббускорларда яратиладиган иш ўринларининг камида 20 фоизига эхтиёжманд фуқароларни ишга қабул қилиш тавсия қилинмоқда). Маъқулланган лойиҳалар шу жойнинг ўзида тасдиқланади, белгиланган тартибда ҳулоса берилади.

Имтиёзли кредитлар ҳисобидан фуқаро-тадбиркорларга хизмат кўрсатувчи 405 та таъминотчи корхонанинг манзилли рўйхати шакллантирилди. Улар томонидан қишлоқ хўжалигида банд бўлган оилавий тадбиркорларга қорамол, қўй, қуён, парранда, балиқ чавоклари, асалари оиласи, қўчатлар ҳамда иссиқхона жиҳозлари, ишлаб чиқариш соҳасида тикув машинаси, матолар, талабга биноан хўнарандчилик дастгоҳлари, қандалатчилик печлари ва бошқа ишлаб чиқариш ускуналари ҳамда зарур хомашё етказиб берилди. Аксарият аҳолининг талаби инобатга олинган ҳолда чет давлатдан қўшимча 12 минг бош

насли қорамол олиб келиш учун 14 та тадбиркор ва фермер хўжалиқлари хорижий тадбиркорлар билан шартномалар имзоланган. Ҳозирда қорамолларни келтириш чоралари кўрилмоқда.

Муҳтож оилаларни фойдали меҳнатга жалб этган ҳолда бозор талабига тўлиқ жавоб берадиган экспортбоп қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларини қамраб оладиган кластерлар ташкил этиш устида иш олиб борилмоқда. Вилоятда 82 та кластер ташкил этиш истагини билдирган ташаббускорлар рўйхати шакллантирилиб, бино, ер ва банк кредитига эхтиёжлари ўрганилмоқда.

Муайян тажриба орттириб ютуқларга эришган 492 нафар тадбиркорга "Устоз-шогирд" аънаъасига биноан 1086 нафар ёш тадбиркор бириктирилди. Аҳолининг айнақса, ёшларнинг бизнес ояга ва стартапла-

рини амалиётга татбиқ этишга ҳар томонлама қўмаклашиш мақсадида илғор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда "бизнес-инкубатор"лар ташкил қилинмоқда.

Маҳаллаларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб "бир маҳалла-бир маҳсулот" таъмилий асосида виллоятдаги жами 973 та МФЙда 87 хил маҳсулотлар етиштириш, ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Туманларда асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, шаҳарларда тикувчилик ва қандалатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган. Шунингдек, қишлоқ ва маҳалла-ларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари бўш турган 773 гектар ер майдонларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб, 2 йил муддатда ҳақиқий даромад манбаига айлантириш шарти билан доимий ёки узоқ муддатга ижарага бериш, шаҳар ва туман марказларида 102 та фойдаланилмасдан турган биноларни тадбиркорлик субъектларига ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш шарти билан доимий ёки узоқ муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан топшириш бўйича дастлабки ҳисоб-китоблар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини раҳбарлигида Ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишдаги 5 та муҳим ташаббусини амалга ошириш тўғрисида ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқларга биноан шаҳар ва туманлар ҳокимларининг тақлифлари асосида 214 та лойиҳанинг манзилли дастури тайёрланди. Уларни ишга тушириш учун 67 миллиард 600 миллион сўм сарфланади. Айни чоғда 138 та лойиҳага кредит маблағлари ажратилган. Улар ишга туширилиб, 2942 та янги иш ўрни яратилди.

Бугунги кунда оилавий тадбиркорликка жалб қилишда имтиёзли кредитларнинг аксарият қисми тикувчилик, қандалатчилик ва хўнарандчилик йўналишларига ажратилмоқда, холос. Ишлаб чиқаришнинг бошқа йўналишлари бўйича фаолиятни ривожлантириш мақсадида Фаргона ва Қўқон шаҳарларида, кейинчалик барча шаҳар ва туманларда илғор минитехнологиялар кўргазмаси ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари кўргазмасини ташкил этиш режалаштирилган.

Мазкур йўналишда белгиланган тадбирлар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш, кредит ажратиш жараёнида қонун бузилишига йўл қўймайлик ҳамда дастур доирасида молиялаштирилган имтиёзли кредитларнинг биринчи навбатда эхтиёжманд оилаларга бериш ва уларнинг мақсадли сарфланиши устидан тизимли назоратни ташкил этиш бўйича Марказий банкнинг бош бошқармаси ва тижорат банклари раҳбарлари расман огоҳлантирилди.



# КРЕДИТ АЖРАТИШДА ЯНГИ ТАРТИБ

## жорий этилади, имтиёзлар эса қайта кўриб чиқилади



**Аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш, кам таъминланган қатламнинг арзон уй-жойларга бўлган эҳтиёжини қондириш, қишлоқларни обод қилиш каби ислохотлар замирида халқ фаровонлигини таъминлаш, одамларнинг бугунидан рози бўлиб яшашларига эришишдек эзгу мақсадлар мужассам.**

Маълумотларга кўра, 2016-2018 йилларда ипотека кредити амалиётининг кенгайтириш 82 мингдан ортиқ уй-жойларнинг фойдаланишга топширилишини таъминлади, бунинг натижасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги 400 мингга яқин фуқаронинг турар жой шартлари яхшиланди.

Қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар ва шаҳарларда кўп қаватли уйлар, ёш оилаларга, ҳарбий хизматчиларга, бюджет ташкилотлари ходимлари ва аҳолининг бошқа тоифалари учун уй-жойлар қуриш бўйича давлат мақсадли дастурлари амалга оширилмоқда. Мазкур мақсадлар учун тижорат банклари томонидан жами 10 триллион сўмдан ортиқ ипотека кредитлари ажратилди.

Аҳолининг турмуш даражасини изчил ошириш, ипотека

кредити механизмларидан фойдаланиш амалиётини янада такомиллаштириш ва кенгайтириш, шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ва қурилиш индустриясини ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар ва рағбатлар яратиш мақсадида жорий йилнинг 13 май куни Давлат раҳбарининг "Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони имзоланди.

Унга кўра, эндиликда ипотека кредити ажратишнинг янги тартиби амалиётга жорий қилинади, бу борадаги мавжуд имтиёзлар эса қайта кўриб чиқиладиган бўлди.

Хусусан, Ипотекани қайта молиялаштириш компанияси ташкил этилмоқда. У бошланғич устав капитали миқдори 25

миллиард сўм бўлган акциядорлик жамияти ҳисобланади. Компания Молия вазирлиги томонидан таъсис этилмоқда, бироқ тижорат банклари ва бошқа юридик шахслар иштироки равишда таъсисчилар бўлиши ҳам мумкин.

Компания маблағларни жалб қилиш ва кейинчалик уларни ипотека кредитларини қайта молиялаштиришга йўналтириш билан шуғулланади. Ўз навбатида Марказий банк ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш соҳасида вазирликнинг давлат органи этиб белгиланади.

Шунингдек, Молия вазирлиги тузилмасида мақсадли дастурлар ижроси самарадорлигини таҳлил қилиш ва мониторингидан иштирок этиш, улар бўйича ягона маълумотлар ба-

засини шакллантириш ва юритиш ҳамда мақсадли дастурларни амалга ошириш тадбирларини молиялаштиришни таъминлаш, ипотека кредити бозорини ривожлантиришга халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб этишда иштирок этиш каби вазифаларни бажариши кўзда тутилган Арзон уй-жойлар қуриш давлат мақсадли дастурларини мувофиқлаштириш ва молия бозори воситаларини ривожлантириш бошқармаси ташкил этилди.

Булардан ташқари, мазкур Фармонга асосан 2020 йил 1 январдан бошлаб, мақсадли дастурлар ижроси доирасида янги шартларда ипотека кредитлари ажратиши белгиланди. Эндиликда ажратилаётган кредит ресурслари ҳамда аҳолига берилётган ипотека кредитлари бўйича имтиёзли давр 1 йилгача қисқартирилади, кредитдан фой-

**Ипотека кредитлари бўйича имтиёзли давр 1 йилгача қисқартирилади.**

даланишнинг биринчи 5 йили давомида ҳар йили фоиз ставкаси қатъий белгиланган 7 фоиздан Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси даражасига босқичма-босқич ошиб борадиган ставкада ва кейинги даврда қайта молиялаштириш ставкасида белгиланадиган бўлди. Шу билан бирга, ипотека кредитлари фоизлари аннуитет тўловлари формуласи бўйича ҳисобланади: ойлик тўлов асосий қарз қолдиғига ҳисобланган фоизлар бўйича тўлиқ тўловни ҳамда кредитнинг бир

**Камолитдин АНВАРОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

қисмини ўз ичига олади, бу шундай ҳисоблашни назарда тутадиган, ҳар ойлик барча тўловлар кредит тўлашнинг бутун даврида бир хил бўлади.

Эндиликда, аниқроқ айтадиган бўлсак, 2020 йил 1 январдан бошлаб мақсадли дастурларни амалга ошириш доирасида тақдим этилган қўшилган қиймат солиғи бўйича амалдаги имтиёзлар бекор қилинмоқда.

Шунингдек, бош пудрат ташкилотлари, пудрат ташкилотлари ва субпудрат ташкилотларига, қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва автотранспорти ишлаб чиқарувчи ташкилотларга, шунингдек, уларни ташишда қатнашадиган ташкилотлар, ишлар (хизмат) кўрсатиш корхоналари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари, транспорт корхоналари, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК, МЧЖ, "Ўзшаҳар қурилиш инвест" ИК, "Қишлоққурилиш лойиҳа" МЧЖ, "Ўзсаноатэкспорт" АЖ ҳамда "Тошкент қишлоқ қурилиш сервис" МЧЖга берилган солиқ имтиёзлари (қўшилган қиймат солиғидан ташқари) ҳамда жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар ҳам бекор қилинади.

Эътиборга молик жиҳати, бекор қилинаётган солиқ имтиёзлари ўрнига уй-жой шартларини яхшилашга муҳтож шахслар ва қонун билан белгиланадиган фуқароларнинг бошқа тоифаларига ипотека кредити бўйича бошланғич бадал ва (ёки) фоизларни тўлаш учун субсидиялар бериш назарда тутилмоқда.

JINOYAT VA JAZO

## НАЙРАНГБОЗ БАНКИР

**Завқиддин Тўраев**  
(исм-фамилиялар ўзгартирилган)  
2007 йилдан бери АТ "Халқ

банки"нинг Боғишамол филиали кредит операциялари бўлимида турли лавозимларда ишлаб келди. 2011 йилдан бошлаб шу бўлимда бош мутахассис бўлди. Шартнома асосида ўқишга қабул қилинган талабаларга таълим кредитлари берилишини ва ундирилгани назорат қилиш, ҳисоботлар тайёрлаб, тегишли жойларга тақдим қилиш каби вазифалар Завқиддиннинг зиммасида эди.

Саодат Комилова шартнома асосида ўқишга кирди. Шартнома пулини тўлашга қурби етмагач, банкдан таълим кредити олишга қарор қилди.

У 2012 йили турмуш ўртоғининг "Nexia" русумли автомобилни гаровга қўйиб, банкдан 18 миллион 725 минг сўм таълим кредити олди. 2014 йил октябр ойда кредит маблағларини сўндириш учун 2 миллион 150 минг сўм, ноябрь ойда 2 миллион 500 минг сўм, декабрь ойда эса 8 миллион 230 минг сўм маблағларни олиб келиб, З.Тўраевга топширди. Банк ходими пулни қабул қилиб олиб, квитанция эъзб берди. Кўп ўтмай Саодат яна 5 миллион

845 минг сўм келтирди. Завқиддин квитанция эъзб, бухгалтериядан штамп бостириб келди.

— Опа кўнглингиз хотиржам бўлсин, мана квитанция тайёр. Фақат бу менда қолади. Тақридан машинангизни чиқариш учун хат тайёрлайман, — деди.

Саодат унга ишониб чиқиб кетди. У расмийлаштирилган кредит бўйича ҳамма тўловларни ўз вақтида тўлаб бўлди. Завқиддин бу маблағлардан 1 миллион 761 минг сўмини С.Комилова номига тўлов қилиб, қолган 16 миллион 964 минг сўмини эса "ҳазми" қилиб юборди.

Саодат "Кредитни ёпдим, энди машинаمنى тақридан чиқариб беринг", деб бир неча марта бош мутахассисга мурожаат қилди. Йигит бу томонини ҳам ўйлаб қўйганди. Транспорт воситасини тақридан чиқариш ҳақида хат тайёрлади. Филиал бошқарувчисининг имзосини сохталаштириб, жиноий йўл билан автоташинани тақридан чиқаришга эришди.

Орадан 5 йил ўтиб, яъни 2017 йилда С.Комиловага АТ "Халқ банки"нинг Боғишамол бўлимидан кўнғироқ бўлди. Аёл банкка келиб, бошқарувчининг гапларидан хайрон бўлди.

— 2012 йилда олинган таълим кредити ханузгача тўланмаган, — деди бошқарувчи.

— Мен ҳаммасини ўз вақтида тўламанман! — деди Саодат ўзида бўлган ҳужжат ва квитанцияларнинг асл нусхасини кўрсатиб. Гаровга қўйилган машина ҳам тақридан чиқарилганини айтди.

Банк бошқарувчиси Завқиддинни чақириб, ҳолатга аниқлик киритди. Кредит тўланган, англашилмовчилик бўлибди, деган хулосага келишди.

2018 йил январ ойида Саодатнинг яна тинчи бузилди. Банкдан огоҳлантириш хати келганди. Унда 10 кун муддат ичида банкдан олган кредитни тўлаш кераклиги эъзбланган эди.

**Орадан 5 йил ўтиб, банкдан бўлган кўнғироқ С.Комиловани таажжубга солди...**

Аёлнинг фиғони фалакка чиқиб, банкка йўл олди.

— Компьютер маълумотларига кўра огоҳномада кўрсатилганидек, 18 миллион 638 минг 260 сўм миқдорда қарздорлигингиз бор, — деди банк бошқарувчиси.

Саодат ўтган йили бўлган ҳолатни айтди.

2019 йилнинг 14 май куни «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тўлдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.



# ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорининг қабул қилиниши халқ фаровонлиги ва турмуш тарзини яхшилашга қаратилган.**

Қарши шаҳар прокурори раҳбарлигида 2-сектор иши гуруҳи томонидан ҳам мазкур қарор ижросини таъминлаш бўйича бир қатор ихобий иш-

лар амалга оширилмоқда. Хусусан, иши гуруҳи аъзолари сектор ҳудудидаги 14 та маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи ҳар бир хонадонни ўрганиб, уларда аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича амалий чоралар кўрмоқда.

Ўрганишлар давомида Қарши шаҳридаги "Заҳокиморон" маҳалласига бир неча йиллардан буён тоза ичимлик суви келмаётганлиги аниқланди. Маҳалла ҳудудига янги ичимлик суви тармоғи тортилиб, 120 дан ортиқ хонадоннинг сув таъминоти яхшиланди. Шунингдек, аҳолининг томорқа ҳужалигидан самарали фойдаланиши юзасидан ўтказилган мониторинглар жараёнида "Кат" маҳалласида жойлашган бир нечта кўчаларга оқова суви

келмаслиги оқибатида аҳоли томорқа ҳужалигидан самарали фойдаланишида кийинчилик туғилаётгани аниқланди, ушбу муаммо ҳам бартараф этилди. Натижада маҳалла ҳудудидаги 280 та хонадоннинг оқова сувга бўлган эҳтиёжи қондирилди.

"Фафур Гулом" маҳалласида ўтказилган сайёр қабулда фуқаро Орзул Бекмуродова уйи бузилганлиги сабабли уй қуриш учун ер олишда ёрдам

**120 дан ортиқ хонадоннинг ичимлик суви таъминоти яхшиланди.**

**Луқмон Тўраев,**

Қарши шаҳар прокурорининг ёрдамчиси лавозимда иш ўрганувчи

беришни сўради. Шаҳар прокурорининг сайёр-ҳаракати билан фуқаронинг муаммоси ҳал этилди ва унга 2 сотих ер майдони ажратилди.

Шу кунга қадар ўтказилган сайёр қабулларда 10 нафар фуқарога уй-жой қуриб яшаш учун ер майдони ажратилди, 38 та хонадон эгасига уй-жойнинг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилди, 4 нафар фуқарога янги биометрик паспорт, 39 нафар фуқарога эса тадбиркорликни йўлга қўйиши учун имтиёзли кредит олиб берилди.

**Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган долзарб муаммолардан саналади. Бу жиноятлар бир давлат ҳудуди билан чекланмай, трансмиллий миқёс касб этмоқда.**

Ўзбекистон терроризм ва экстремизмга қарши курашишда нафақат минтақада, балки жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, Бирлашган миллатлар ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти, Ислом конференцияси ташкилоти каби ташкилотлар доирасида қабул қилинган экстремизм ва халқаро терроризмга қарши курашиш борасидаги ҳужжатлар ва шартномаларни бажаришда фаол иштирок этмоқда.

ШХТ халқаро террорчилик, сепаратизм ва экстремизм, наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва ташиш каби таҳдидларга қарши курашининг қўшимча, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда халқаро ҳамкорлик субъектига айланиб улгурди. Бу ташкилот томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар экстремистик жиноятларга қарши курашда ташкилотга аъзо давлатларнинг миллий қонунчилигини янада такомиллаштириш учун асос бўлмоқда. Хусусан, Россия, Қозғоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистонда экстремизмга қарши курашни назарда тутган алоҳида қонунлар қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг терроризм ва экстремизмга қарши курашдаги фаолияти МДХ Аксилтеррор маркази ишида фаол иштирок этаятгани ва марказнинг айнан Тошкент шаҳрида жойлаштирилгани билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, терроризм, экстремизм ва ахборот таҳдидларига қарши курашиш муҳим вазифалар сифатида белгилаб қўйилган. Қолаверса, Юртбошимизи 2017 йил сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида "Бизнинг асосий ва-



## ЎЗБЕКИСТОН ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ

зифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намойён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик госяи "вирус" тарқалишининг олдини олишдир", дея таъкидлаб ўтганди. Шу маънода давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатларга БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш тақдирини эълон қилиб, БМТ Бош Ассамблеясининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюцияси қабул қилинди.

**Ўтган йили терроризм билан боғлиқ жиноятлар сони 1,7 баробар камайган.**

Бугунги кунда глобаллашув даврининг барча хавф-хатарлари ва таҳдидларини инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда "Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Терроризмга қарши конвенциясини (Екатеринбург, 2009 йил 16 июнь) ратификация қилиш тўғрисида", "Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гуруҳи тўғрисидаги Битимини (Москва, 2011 йил 16 июнь) ратификация қилиш ҳақида", "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга

қарши курашиш тўғрисида", "Терроризмга қарши кураш тўғрисида", "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида"ги Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарор ва Фармонлари қабул қилинди. Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда

фаровон ҳаёти кафолатларини таъминлаш ва янада мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.

Маълумотларга қараганда, терроризм ва экстремизм таҳдидларига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маълумотларга қараганда, терроризм билан боғлиқ жиноятлар сони 2018 йилда 1,7 баробар камайган. Хусусан, дастлабки олти ой давомида Ўзбекистонда 30 ёшгача бўлган шахслар ўртасида терроризм йўналишида қайд этилган жиноятлар сони 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 65,7 фоиздан зиёд пасайган.

Халқаро экспертларнинг қайд этишича, 300 мингга яқин 18 ёшга етмаган ёш авлод ва-

**Хушнур МАКСУДОВ,**  
Бош прокуратура бўлими прокурори

киллари дунёдаги қатор диний-экстремистик гуруҳлар тарқибидан жой олган.

2016-2017 йилларда ахборот хавфсизлиги линияси бўйича олиб борилган ишлар натижасида террорчилик ва экстремистик характердаги 4 миллиондан зиёд ахборот материалларидан ташкил топган 100 мингта интернет-ресурс тармоқдан ўчириб ташланди ёки фаолиятига тўсик қўйилди.

Мамлакат аҳолиси, авваламбор, ёшлар ўртасида ҳуқуқий маданият, диний-ахлоқий маърифатни юксалтиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бундан ташқари, ижтимоий реабилитация, экстремистик гоялар таъсирига тушиб қолган ва ўз хатосини англаганларни нормал ҳаётга қайтариш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Биргина 2017 йилда ота-оналари диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолган ўн мингга яқин ёшлар ишга жойлаштирилди.

Бу эса экстремистик гоялар таъсирига тушиб қолган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, соғлом муҳитга қайтариш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, самарали амалга оширилаётганидан далолат беради.

Умуман олганда, терроризм ва экстремизмга қарши кураш борасида давлатлараро қабул

қилинаётган ҳужжатлар, миллий қонунчилиқнинг халқаро нормалар билан уйғунлаштирилиши турли экстремистик оқимлар, радикал кўринишдаги гуруҳлардан ҳимояланишда кучларнинг бирлашишига олиб келмоқда.

Худудларда аҳоли билан ўтказилаётган тарғибот тадбирлари, давра суҳбатларида вояга етмаганларни терроризм ва экстремизм таъсирига тушиб қолишдан ҳимоя қилиш лозимлиги борасида тушунтириш ишлари мунтазам равишда олиб борилмоқда. Жазони ўташ муассасаларидан озодликка чиққан, тузалиш йўлига ўтган шахслар билан суҳбатлар ўтказилиб, соғлом муҳитга қайтариш чоралари кўриломоқда. Бу борада соҳага оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти фуқароларга етказилмоқда.

Айниқса, ёш авлоднинг терроризм ва экстремизм таъсирига тушиб қолишига йўл қўймаслик, уларни интернет орқали тарғиб қилинаётган турли гоявий ва ахборот хуржларидан ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар қўламини янада кенгайтириш, терроризм ва экстремизм гояларига қарши йўналтирилган комплекс илмий тадқиқотлар ва китоблар тайёрлаш ва нашр этиш ҳамда бағрикенглик госяи ва тинчликни мустаҳкамлаш масаласини илгари суриш орқали Ислом динининг асл мазмун-моҳияти юзасидан семинарлар ва конференциялар ташкил этиш, ушбу йўналишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини янада ошириш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган иш-хотлар ва бунёдкорлик ишлари, авваламбор, юртимиздаги тинчлик ва осойишталик сабабли амалга оширилаётганини ва бу тинчликни сақлашга ҳар биримиз масъул эканлигини унутмаслигимиз лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кеча Россиянинг "Росатом" атом энергияси бўйича давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачёвни қабул қилди.**



Инсон яралибдики, тарбияга муҳтож. Илк аждодимиз Одам Ато ва Момо Ҳаввонинг тарбиячилари уларни яратган зот — Аллоҳнинг ўзи эди. Аммо улар шайтони лаин макрига учиб, Аллоҳ айтган ўғитни унутишди ва нафсларини тия олмай жаннатдан қувилдилар. Улар заминда ҳам иблис макридан озод бўла олишмади. Шу боис бугунги кунда ҳам маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, "Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат—ё фалокат масаласи", бўлиб қолмоқда.



Норбўта ҲОЗИЕВ,  
«Нуққ»

# ТАРБИЯ ТАЪЛИМДАН УСТУН

Келинг, гапни яхшиликдан бошлайлик. Биламизки, бу дунёда ҳеч ким бахтнинг кифасини чизолмайди. Кимдир уни бойликдан, бошқа биров эса мансаб-мартабадан, кейингиси шохона хою ҳавасдан кидиради. Ёши бир жойга қориб, чинакам ҳаловат нимадалигига ақли етганлар эса ҳақиқий саодат фарзандлар қамолотида эканлигини англайдилар.

Тан олиш лозимки, бундай толега эришмоқ учун бир умр қурашишга тўғри келади. Зеро, ширин мева умиди ила кўчат эккан борбон унинг парвариши учун йиллаб заҳмат чеккани каби, фарзандлар роҳат-фарогатини кўриш умидидаги меҳнат худди игна билан қудуқ қазиш каби оғир ва машаққатлидир. Ана шу озорларга чидаганлар, алалоқибат, бахтиёрлик водийсига ташриф буюрадилар. Нуридийдаларнинг ажиб меҳр-оқибати, элга, юртга, жамиятга нафи тегаётганидан қонқиш ҳосил қиладилар.

Мабодо, бунинг акси юз берса-чи? Бундай кўргуликни душманнингизга-да раво кўриш душвор. Яқинда ўқитувчинини ҳақорат қилган ўқувчига шапалоқ туширган муаллим билан боғлиқ воқеа ижтимоий тармоқларда анчагина муҳокамага сабаб бўлганди. Мен ҳам унга муносабат билдиришга қарор қилдим.

Ақлу ҳуши жойида болада ота-онаси билан бирга миллатнинг ҳам ҳақиқ бор. Давлат ҳам ўз келажагини ўсиб-ўлғаяётган ёшларига қараб белгилайди. Баъзи ўсмирларнинг тарбияси оғир, ўқишга иштиёқсиз бўлиб ўсаётгани бизни ҳушёр тортириши лозим. Биронта дарахнинг синган шохидаги меваларига кўзим тушганида ажабланман, айна пайтда унинг қудратига қойил қоламан: у мажруҳ бўлса-да меваларини пиширади ва кейин ўзи қуриydi. Етти мучаси соғ бўла туриб, фарзандларига одоб-ахлоқ, илму маърифат ўргатмаётган баъзи ота-оналарни кўриб ҳайрон қоламан. Агар фарзандларимизга ёшлигидан тарбия бермасак, улар улғайган сари тарбиясизлиги ҳам катталашиб бороверади.

Халқимизда "Каттага хурматда бўл, кичикка иззатда", деган мақол бор. Ана шу биргина мақол тарбия мезонимизнинг асосини ташкил этади. Халқимиз-

да "Устоз отангдек улуг", деган ҳикматли гап ҳам бор. Буюк бобоқалонимиз Алишер Навоий бир кўчадан ўтаётганда отдан тушиб, уни етаклаб олибди. Ҳамроҳлари ундан бунинг сабабини сўрашганида, "Бу кўчада менинг устозим яшайди", деган экан. Шарқ асотир-

*Бола тарбиясидаги иллатлар касбига панжа орасидан қаровчи, лаёқатсиз ўқитувчилар тўфайли ҳам кучайиши мумкин.*

ларида ёзилишича, бир кун Искандар Зулқарнайдан сўрабдилар:

— Не сабабдан устозинг Арастуни отанг Султон Файлакус (Филипп)дан ҳам аъло кўрасан?

Шоҳ Искандар шундай жавоб қайтарибди:

— Отам менинг жисимини тарбиялаб, осмондан ерга олиб тушди. Устозим Арасту эса менинг руҳимни тарбия қилиб, ердан осмон қадар юксалтирди.

Алишер Навоийнинг устози Абдураҳмон Жомий: "Устоз, муаллимсиз қолганда замон, Нодонликдан қора бўлурди жаҳон", деб ёзган.

Ҳа, устозлар ўчмас чироқ янглиг ҳамиша умр йўлимизни чароғон қилиб туради. Шундай экан, нафақат устозни ҳақорат қилиш, балки унга тик боқиб гап қайтариш ҳам гуноҳ ҳисобланади.

Бола тарбияси кичик муаммо эмас, балки ҳар бири ўнлаб саҳифаларга жо бўладиган, баҳсларни, мунозараларни талаб қиладиган долзарб масъалдир. Дастлабки эътиборсизлик, лоқайдлик ва нотўғри тарбиянинг таъсири умрбод сақланиб қолади. Биз "Маҳалланг — ота-онанг", "Бир болага етти кўшни отана", деган ҳикматларнинг маъносини унутиб қўйгандекмиз. Кўшининг боласи тарбиясида қусурлар пайдо бўлаётган бўлса, вақтида уни оғохлантирмай-

миз. Чунки аксариятимиз оила уники, фарзанд уники, деган тушунчага ўрганиб қолганмиз. "Кўза синганда"гина ундай эди, бундай эди, деб вахлар толамиз.

Ёмон томони шундаки, бола тарбиясидаги иллатлар касбига панжа орасидан қаровчи, лаёқатсиз ўқитувчилар тўфайли ҳам кучайиши мумкин. Агар бола фидойи, ўз касбини севадиган ўқитувчига дуч келса, ўзгарishi, ўқишга, машғулотларга қизиқиб, яхши хислатларини юзага чиқариши мумкин. Аммо ҳозир ҳамма ўқитувчиларни ҳам жон куйдириб ишляпти, шу ўқувчи менинг болам, менинг (бизнинг) келажагим (из) деб фидойиллик кўрсатаёпти деб бўлмайди. Чунки баъзи бир ўқитувчилар бекор юрмаслик, ойлик олиб туриш учун дарсга кириб чиқадилар.

Яна бир гап. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низомга кўра, таълим олувчиларга телефонни ёрдамида атрофдагиларга зўравонлик, шафқатсизлик, порнографияни тарбиль қилувчи

*Мактаб маъмурияти Низом талабларидан беҳабармиди?..*

видео ва суратларни намойиш қилиш, суратга олиш ва видеотасвирга тушириш, телефон (Интернет ва шу кабилар) орқали бошқа хизматлардан фойдаланиш тақиқланиши белгилаб қўйилган. Ушбу ҳуқуқий норманинг ҳаётга татбиқ этилганига ҳам етти йил бўлди. Аммо негадир унинг амалдаги ижроси кўзга ташланмаёпти. Кўзга ташланганида эди, бугунги ижтимоий тармоқларда кунора болаётган бу каби унук манзаралар биров камайган бўлармиди?

Тошкент шаҳри, Шайхонтохур туманидаги 141-мактаб маъмурияти Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган низомидан наҳотки беҳабар бўлишса? Агар хабардор бўлишса, нега ўқувчилар дарс пайтида мобил телефон-

## "УСТОЗ БИЛАН ТОРТИШГАН ИМНИ ВИДЕОГА ОЛ" ёки фарзандларимизнинг ахлоқи бузилаёпти(ми?)

Кейинги пайларда ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситаларида, керак бўлса, хорижий матбуотда ҳам юртимиздаги таълим муассасаларида бўлаётган кўнгилсизликлар, ўқитувчи ва ўқувчининг тортишуви акс этган тасвирлар тарқалиб турибди.

Албатта воқеага гувоҳ бўлмай туриб, хулоса қилиш, одилона фикр билдириш қийин. Мазкур воқеалар юзага чиққач, мутасадди ташкилотлар айни ҳолатни ўрганиб, чоралар кўраёпти. Асосан ўқитувчи ишдан кетиши, интизомий чора кўрилиши каби ечим қўлланилмоқда.

Ҳўш, бу чора келгусида содир бўлиши мумкин бўлган

салбий ҳолатларнинг олдини оладими?

— Техниканинг, Интернетнинг омалашуви сабаб, кўплаб кўнгилсизликлар келиб чиқаётгани бизни ўйлантиради, — дейди Олмасор тумани Халқ таълими бўлими мудири Замира Азимбоева. — Ўқувчининг ўқитувчига нисбатан ёки бунинг акси бўлган ҳолатларнинг тасвирлари намойиш этилгач, асл

ҳақиқатни, вази-ярти билмай туриб, турли фикрлар пайдо бўлилапти. Натижада ўқитувчи ишдан олиниши, оғохлантириш берилишининг гувоҳи бўлаёпти. Лекин нима ўзгаради? Дарсда тўполон қилган, одоб-

*Боланинг кўчадаги ҳар қандай вазиятга муносабати остида ошладаги муҳит ётади.*

ахлоқ нормаларига бепасанд бўлган фарзандларимизнинг таъдирини яхши бўлиб қоладими? Агар ўқитувчига жазо берилиши ортидан болаларнинг билими ошса, ёки тарбияси яхши

бўлса қани эди, дегим келади. Бу каби ҳатти-ҳаракатлар боланинг олдида ўқитувчининг қадри тушишга, ҳурматсизлик муҳитининг пайдо бўлишига олиб келади, ҳолос. Педагог ўз-ўзидан кўпол муносабатда

бўлмайди ёки қўл кўтармайди. Шундай ўқувчиларимиз ҳам борки, яхши гапни қўя туринг, ҳатто ёмон гап ҳам таъсир қилмайди. Бундай болаларимизнинг оиласидаги муҳитга эъти-

дан фойдаланишяпти?

Фарзандини телефон, компьютер ва бошқа қимматбаҳо замонавий технологиялар билан сийлаётган ота-оналар дилбандлари бу мўъжизалардан қандай мақсадларда фойдаланаётганликларини нега назорат қилмайдилар? Ҳозирги айрим ёшларнинг телефондаги ёзувлар, видеотасвирларга кўзингиз тушганида, ҳайрат ва ҳаёдан терга ботасиз. Ақлли одам учун бу чиндан ҳам ахлоқсизлик, фожиа. Аммо айрим дилбандларимиз учун эса шунчаки эрмак, кўнгилхушлик, одатий ҳолатга айланиб бораётгани нега жамоатчиликни ташвишга солмаёпти? Нега бу ҳақда қатъий иттиҳот билан бонг урмаямиз? Нега "оммавий маданият" хуружидан, унинг асоратидан қўрқмаямиз? Нега унинг олдини олиш борасида аниқ чоралар белгиламаймиз?

Юқорида қайд этилган барча кўргуликларнинг давоси — китоб. Болаларда бадий адабиётларга, илмга меҳр ўйғотишимиз керак. Китоб ҳар бир оила "таомномаси"нинг муқаддимасидан жой олмоғи, фарзанд тарбиясида энг биринчи ҳаётий эҳтиёжга айланмоғи лозим. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшлар онгиде китобхонлик маданиятини шакллантириш ҳақида бежизга жон куйдирмаёпти. Чунки ёшлар — миллат келахаги. Эртанги кунимизнинг қандай бўлиши фарзандларимизнинг ўқимиши, маънавияти, қалби ва онгига миллий истиқлол ғояси қай даражада сингдирилишига боғлиқ.

Инсоннинг ёши бир жойга қориб, кексаликка юз бурганида қадди эгилмаслиги учун бола тарбиясида доимо ҳушёр турмоғи лозим. Мурғак гўдакдан қандай фарзанд тарбиялаш, табиийки, энг аввало, ота-онанинг ўзига, унинг ақл-заковати, сабр-қаноати, эзгу мақсади ва ибратли амалига боғлиқ. Ана шулар ҳақида ҳар биримиз чуқурроқ ўйлаб кўрсак, фойдадан холи бўлмайди. Зеро, улугларимиз тарбия таълимидан устун туради, инсонни тарбия вояга етказди, деб бежизга айтишмаган.

Барно МЕЛИКУЛОВА,  
журналист

бор бериш керак. Лекин тан олиб айтман, гуруҳ курмаксиз бўлмайди. Ўқитувчилар орасида ҳам вазиятни тўғри баҳолаб олмайдигани, қушқондан чиқиб кетадиганлари бор. Аммо улар ҳам инсон. Шу боис таълим-тарбия жараёнидаги баъзи ҳолатларни фожиа деб билиб, ҳато хулоса чиқариш, салбий муносабатда бўлиш тўғри эмас.

Касбим нуқтаи назаридан Интернетда тарқалган видеоини телефонингга юклаб олдим.



Унда ўқитувчисига қўл кўтарган ва ҳақорат қилган ўқувчи тасвири бор эди. Ишдан қайтган, турмуш ўртоғимга бундан кўрсатдим. Афсусларлиси, ўзим билмаган ҳолда фарзандларим олдида шу ишни қилдим. Лекин бу ишнинг ёмонлигини, ўқувчи учун бу мумкин эмаслигини фарзандимга айтиш ёдимдан кўтарилди ёки эътибор бермадим.

Эртаси кунни ўғлимнинг ўқитувчиси кўнғирок қилиб, "Унга танбех берганим учун овозини кўтариб муомала қилди, агрессив ҳолатда у. Уй тинчми?", деб сўради. Шундагина хатоимни англадим.

Бу воқеа бола тасаввурини шу қадар тез чалғитди? Биз катталарнинг билиб-билмай қилаётган хатоларимизнинг асорати эмасми бу?

— Болалар ҳатто мультфильмнинг ёққан қисмини ўз онгига ёзиб олиш маҳоратига эга, — дейди психолог Лайло Нодирова. — Чунки онг учун чегара, вақт, тўсиқлар йўқ. У қандай кўрса, шундайлигича ёзиб олаверади. Ҳатто ундан сўнг чиқарилган хулоса бола онги, ақли билан бир-бирига боғланмаслиги мумкин. Биз кўп бор ўқитувчига гап қайтариш мумкин эмаслигини айтаямиз. Лекин видеода у бошқа нарсани кўраётди. Бу ҳолат унга ёқиб қолди. Демак, шундай қилса бўлади, вазиятдан чиқишга ёрдам берадиган ҳолат, деб ўйлайди. Унда вариантлар пайдо бўлади. Агар вазият тақозо қилса, бу янги услуб бўлгани учун бу ҳолат жуда тез юзага чиқади. Агар қандайдир муаммога дуч келсак, бу ҳақда кўп ўйлаймиз. Орадан қанчадир вақт ўтиб, қандайдир ечим борлиги хаёлимизга келади. Шундай пайтда онгимизга охири ёзилган ҳолат, ечимлар биринчи юзага чиқади. Ўқитувчини ноҳақ деб баҳолаган ўқувчи онгида ечим сифатида кўрсатилган гаплар, хатти-ҳаракатлар жайсидир ҳолат, вазият, маълумотлар орқали сингган. Вақти билан бу кўринади. Маълумлик, онгимиз онг остини ҳаммаша ҳам назорат қила олмайди. Кундалик ҳаракатларимизни онг остидаги ёзувлар бошқаради. Бу билиб-билмай йиғиб борилган ахборотлардир. Бир нарсани аниқ айта оламиз. Боланинг кўчадаги ҳар қандай вазиятга муносабати остида оиладаги муҳит ётади. Шунинг учун ҳам ҳамма нарсани борича, батафсил ва оқилона тушунириш керак. Тартиб нима эканини фарзандларимизга англатиш ота-онанинг вазифасидир.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан, вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик со-

## Вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланади.

дир этишига олиб келиши ҳолатлари қайд этилган қонуний жазо турлари ҳам мавжуд.

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасида ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик (шу жумладан, вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши) — яъни Оила кодексининг 73-моддасида кўзда тутилган мажбуриятларни писанд қилмаслик ҳуқуқбузарлик сифатида белгиланган, — дейди Тожик шаҳри Миробод туман Маъмурий суди раиси Сухроб Йўлдошев.

Ақсарият ҳолларда оиладаги салбий шарт-шароит тарбияси оғир бола шахси шаклланишига олиб келади. Оилада соғлом муҳит бўлмаслиги асосан худбинлик ва бошқа салбий хислатларни тарбиялайди. Эҳтимол, таълим муассасаларида бу каби ҳолатларнинг кузатилаётгани ҳам оилавий муҳит билан боғлиқдир. Фарзандини севувчи, унга фақатгина яхшиликни раво кўрувчи ота-оналар орасида ҳам зарур педагогик маданият етишмаслиги сабабли бола учун носоғлом муҳит яратилиши мумкин.

— Шайхонтохур туманидаги бир мактабнинг ёнида танишимни кутиб тургандим, — дейди пойтахтлик Гулиногор Ҳасанова. — 10-11-синф ўқувчилари, шекилли, танаффус вақтида шундай сўзларни ишлатишардики, ҳайрон бўлдим. 9-синфда ўқийдиган ўғлим бор. Ҷўчиб кетдим. Наҳотики, у ҳам шундай бўлса. Орадан иккитасининг суҳбати эътиборимни тортди. Бири "Ҳозир дарсада устознинг асабини бузаман, жаҳли қичиб, уришиб беради, сен шунинг видеога ол. Тарқатворамиз. Ижтимоий тармоқларда лайк йиғамиз...". Тушунаяспизми? Улар нимани режалаштираётди? Шундан сўнг фарзандимнинг телефонидаги маълумотларни текширадикан бўлдим.

Ўқитувчи баджаҳл, жазавали, қаҳрли касб соҳиб эмас, балки фарзандларимизга сабоқ берадиган мутахассисдир. Бунинг ҳамма, шу жумладан, ўқитувчининг ўзи ҳам тўғри англаса, фойдадан холи бўлмайди.

JARAYON



# БЕШ ТАШАББУС САМАРАЛАРИ

**Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 3 апрель кунини ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган 5 та ташаббусни амалиётга жорий этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказган эди. Белгиланган вазифаларни республика бўйлаб сифатли амалга оширишда Тожик вилоятининг Бўха туманида дастлабки тажриба амалиётлари бошланган эди.**

Маъмурий ташаббусни амалга оширишдан мақсад ёшлар бекорчилигининг олдини олиш, улар учун маданий тадбирлар, компьютер саводхонлиги ва интернет марказлари, спорт тўғрисидаги ташкил этиш, шунингдек, китобхонликни оммалаштириш, китоб дўконлари, "book safe"лар фаолиятини йўлга қўйиш, маънавий тадбирларни қўлайитириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлашдан иборатдир.

Таъкидланишича, ушбу тажриба якунланган, Бўха туманида ёшларнинг сифатли таълим олиши учун шарт-шароитлар бутунлай ўзгаради. Сабаби, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги зиммасидаги ташаббус билан аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш доирасида қатор ишлар амалга оширилади. Жумладан, вазирлик томонидан Бўха тумани марказида жойлашган "Ўзбекистон почтаси" АЖ биносида рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил этилади. Маъмурий ўқув марказида 14 дан 30 ёшгача бўлган ёшларга ахборот технологиялари соҳасида тадбиркорлик билан шуғулланиш бўйича инновацион кўникмалар берилади, шунингдек, ахборот технологиялари, электрон

тижорат, дастурлаш ва киберспорт асослари бепул ўқитилади. Шу билан бирга, тумандаги барча мактабларда ҳамда Баркамол авлод маркази ва Болалар интернатидида компьютер технологиялари, компьютер ўйинлари ва киберспорт бўйича тўғрараклар ташкил этилади. Айни вақтда тумандаги 49 та мактаб, 14 та мактабгача таълим ва 10 та соғлиқни сақлаш муассасаларини юқори тезликдаги интернет хизматлари билан таъминлаш мақсадида оптик толали алоқа линияларини қуриш ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, мобиль алоқа қамрови бўлмаган "Катта Работ" МФЙдаги Боғ маҳалласига мобиль алоқа станциясини ўрнатиш ва мобиль алоқа сифатини яхшилаш мақсадида қўшимча 19 та база станцияларини ўрнатиш ишлари бошланган. Хуллас, ижтимоий объекتلари юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш билан биргаликда чекка ҳудудлар аҳолисига ҳам сифатли телекоммуникация ва юқори тезликдаги интернет хизматларини кўрсатиш имконияти яратилмоқда. Қолаверса, туман марказининг Тинчлик кўчасида жойлашган мусиқа мактаби, А.Қодирий кўчасида жойлашган Бўха марказий маданият ва аҳоли дам олиш маскани, Ёшлар ижодиёт маркази, Амфитеатр майдони ва "Бўстон" маданият ва истироҳат боғида Wi-Fi ҳудудлари ташкил этилади.

Ҳозирги пайтда маъмурий ташаббус билан тумандаги "Бўстон" маҳалласидаги маданият маркази биноси тўлиқ таъмирланмоқда. "Ўзпахтасаноат" АЖ томонидан ишга туширилаётган энгил конструкцияли тикув чеки маҳалладаги 200 нафар хотин-қизни иш билан таъминлайди.

Айни вақтда маъмурий ташаббуслар бўйича амалга оширилаётган ишларни аҳоли ўз кўзи билан кўрмоқда, иштирок этмоқда ва ишонмоқда. Яъни, ташаббуслар доирасида 4 та маҳалладаги маданият марказлари жаддалик билан таъмирланиб, жиҳозланмоқда. Мавжуд 40 та маҳаллада 2 минг 344 нафар спортсавар ёшлар ўртасида сўровлар ўтказилиб, улар янгидан ташкил этилаётган спорт тўғрисидаги жалб этилди.

Камолитдин АСҚАРОВ,  
"Нуққ"

Тумандаги "Навобод", "Чавли-сой", "Янгикўрғон", "Каттаравот" ҳамда "Уратена" маҳалларида ҳам бунёдкорлик ишлари жаддал олиб борилмоқда. Қўвонарлиси, йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар қисқа вақт ичида ўз ечимини топомоқда. Шунингдек, маданият уйлари таъмирлаш, кутубхоналар, кинозал, концерт ва кўча театр дастурлари, маданий ва мусиқий тўғрараклар фаолиятини йўлга қўйиш, мавжуд боғларни ободонлаштириш, кичик аттракционлар, спорт ва болалар майдончалари ташкил этиш, ҳудуддаги барча мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, қишлоқ врачлик пунктларини таъмирлаш, спорт майдонларини хатловдан ўтказиш, ҳудудда яшаётган аҳоли, айниқса, аёллар бандлигини таъминлаш бўйича "Йўл харитаси" иш-лаб чиқилди.

Ёшлар орасида китобхонлик тарғиботини кучайтириш, кутубхоналар фондини бойитишга катта аҳамият қаратилаётгани буюклик кекса-ю ёшни бирдек севинтиргани бор гап. Ишни қуруқ томонидан аввало, тумандаги барча мактаблар ва касб-хўнар коллежларининг умумий ҳолати, кутубхоналар бўйича фотоальбомлар тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги 300 номдан зиёд қарийб беш минг нусхадаги ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара асарларини "Китоб карвони" акцияси доирасида етказиб берди. Туман марказий маданият саройида ташкил этилган китоб армарасида 18 минг нусхадаги турли мавзудаги сараланган китоблар арзон нархларда сотилди.

Китоблар карвони билан туманга бамисли нур, барока киргандек бўлди. Бу бараканинг самараси ҳадемай туман ёшлари истиқболда юз очади.

Бешта ташаббусни ҳаётга таъдиқ этиш доирасида Бўха туманида бошланган сазй-ҳаракатлар кенг қўлам касб этиб бормоқда.

## ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА УЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИНИ МАЗМУНЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА 5 ТА МУҲИМ ТАШАББУС!

### БИРИНЧИ ТАШАББУС

Ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

### ИККИНЧИ ТАШАББУС

Ёшларни jismoniy chinqitirish, ularning sport sohasida ko'binlatini namoyn qilishlari uchun zarur sharoitlar yaratishga iynatirilgan.



### БЕШИНЧИ ТАШАББУС

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутлади.

### УЧИНЧИ ТАШАББУС

Аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

### ТўRTINCHI ТАШАББУС


Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Миллий гвардия суриштирув олиб борувчи ҳамда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар қаторига қўшилмоқда.

16-МАЙ 2019-Ҳ.  
HUGUQ № 20  
(1165)

7





## FAOLIYATIDAN

# Ватан ҳимояси учун "тепадаги" ларга узатиш керак...ми?

ҳамда психологик тестлардан ўтади. Ватан олдидаги бурчини ўташ учун имконият туғилганидан хурсанд бўлади. Қолаверса, намунали хизмат қилиб, тест синовларидан муваффақиятли ўтса, олий ўқув юртиларига кириш учун тавсияномани ҳам қўлга киритади. И.Иномов шу ҳаёллар билан бўлинма бошлиғи Рафижон Шодмоновнинг чақирувига асосан унинг хонасига боради. Хузурига келган йигитга

Дилшод ОБЛАҚУЛОВ,  
Департаментнинг Ўртачириқ  
туман бўлими бошлиғи

Қодир Иномовни бўлинма бошлиғи ёнига ҳўнатади. Ота Рафижоннинг хонасига кириб, у билан суҳбатлашади. Тўрт мучаси соғ, девдек ўғли нима учун ҳарбий хизматдан қолиб кетиши мумкинлигини сўраганида:

— Узатмасангиз ўғлингиз-

**Ота девдек ўғлининг ҳарбий хизматдан қолиб кетиши мумкинлигидан таажжубланди.**

бўлинма бошлиғи рўпарасидаги стулни кўрсатиб, "Ўтир" ишорасини қилади ва гапни узоқдан бошлайди.

— Ўзимиздаги тиббий кўрик ва тестлардан ўтди, дегани, ҳарбий хизматга кетади, дегани эмас, — деб йигитнинг ҳафсаласини синайди у. — Энди сенинг ишинг вилоят Мудофаа ишлари бошқармасида ҳал бўлади. Бунинг учун "тепадагиларга озроқ узатиш" керак, бўлмаса, ҳарбий хизматдан қолиб кетаверасан, шунинг учун олдимга отанг келсин, — дея Илҳомни кузатиб қўяди.

Йигит эртаси куни отаси

нинг "иши" битмайди", — дейди Р.Шодмонов.

— Қачна бўлади? — дея муд- даога ўтади Қодир.

Бўлинма бошлиғи тўртта бармогини кўрсатиб, "қозғо- да олиб келасиз", дейди. Ота но- иложликдан майли дегандек, бош- ни қимирлатиб хонадан чиқиб кетади ва бўлинма бо- шлиғининг ноқонуний талаби ҳақида тегишли жойга ариза билади мурожаат қилади.

Департаментнинг Ўртачириқ туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тadbир- да Р.Шодмонов Нуррафшон шаҳридаги савдо дўконлари- дан бирида аризачи Қ.Ино- мовдан 400 АҚШ дол- ларини олган пайтида ашёвий далиллар билан қўлга олинади. Суриштирув жараёнида Р.Шодмонов томони- дан келтирилган ҳеч қандай "тепадагилар" йўқлиги, у фирибгар- лик йўли билан ўзга- нинг мулкани қўлга киритмоқчи бўлгани аниқланди.

Суд мазкур жиноят ишини атрофлича кўриб чиқиб, ҳукм ўқиди. Унга кўра Р.Шодмо- новга жарима жазоси тайинланди.

**Бош прокуратура ҳузурдаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан ўтказилаётган тезкор тadbирлар давомида миллий валюта савдоси билан ноқонуний шугулланаётган фуқароларнинг ҳаракатларига чек қўйилмоқда.**

## Хонадондаги олди-сотди

Улугбек ИСАНОВ,  
Департаментнинг  
Хоразм вилоят бошқармаси  
бошлиғи ўринбосари

Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси ва Ҳазорасп туман бўлими томонидан фуқаро Фозил Рўзметовнинг (исм- фамилиялар ўзгартирилган) аризаси юза- сидан тезкор тadbир ўтказилди. Tadbир да- вомида Ҳазорасп тумани, "Қаравак" қишло- гига яшовчи Собир Шомуродов ўз хонадо- нида Ф.Рўзметовга 6000 АҚШ долларини 50 миллион 700 минг сўмга сотаётган пай- та тезкор ходимлар томонидан ушланди. Ноқонуний ҳаракат юзасидан ушбу фуқаро- га нисбатан тегишли ҳуқуқий таъсир чо- ралари кўрилди.

Юртимизда тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини ва тартибга солиш жараёларини тако- миллаштиришга, қулай бизнес муҳитини яратиш- га, энг муҳими, халқаро майдонда мамлақати- мизнинг ижобий нуфузини шакллантиришга қар- тилган чора-тadbирлар қўлама кенгайди. Қола- верса, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш, улар фаолиятини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бериб, Ҳажон банки ва Халқаро мо- лия корпорациясининг "Бизнес юритиш" реitin- гда Ўзбекистон жаҳоннинг 190 та мамлақати орасида 146-ўриндан 76-ўринга кўтарилди.

## Фаолият равнақи бугунги саъй-ҳаракатимизга боғлиқ

Улугбек ҲАМИДОВ,  
Департаментнинг Наманган вилоят  
бошқармаси бошлиғи ўринбосари

2008—2016 йиллар давоми- да 3 та эркин иқтисодий зона ташкил этилган бўлса, Президенти- миз Шавкат Мирзиёевнинг мазкур йўналишдаги тегишли Фармон ва қарорлари асосида уларнинг сони 20 дан ошиб кетди. Яъни бугунги кун- да республикамиз бўйича 10 та эркин ишлаб чиқариш зонаси, 8 та фармацевтика, биттадан туризм, балиқчилик лўҳалиги ҳамда агросаноат соҳасини ри- вожлантириш йўналишидаги эркин иқтисодий зоналар фао- лият юритиб келмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 23 майдаги "Бюджет маб- лағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмлари- ни такомиллаштириш чора- тadbирлари тўғрисида" ги Фар-

кор тadbирларда 20 та ҳуқуқбу- зарлик ҳолатлари аниқланди. Уларнинг 11 таси бўйича жино- ят ишлари қўзғатилган бўлса, 9 та ҳолат маъмурий тартибда ҳал этилди. Ҳуқуқбузарлардан 51 824 АҚШ доллари, 17 000 Россия рубли ва 75 миллион ўзбек сўми ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Шунинг- дек, ўтказилган тadbирлар да- вомида ноқонуний муомалага киритилган 119,9 миллион сўмлик импорт товарлар ҳам олинди.

Бундан ташқари, ҳуфиёна иқтисодиётга қарши курашиш, махсулот ишлаб чиқарувчилар- нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш,

## Коррупция ҳолатлари билан боғлиқ 15 та ҳуқуқбузарлик аниқланди.

мони билан Бош прокуратура ҳузурдаги Департамент орган- лари зиммасига мамлақати- мизда бизнесни юритиш ва инвестицияларни жалб этиш мақсадида қулай шарт-шароит- ларни яратиш, бюджет маблаг- ларини талон-торож қилиш ва улардан самарасиз фойдала- ниш ҳолатларининг олдини олиш, шунингдек, иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш самарадорли- гини ошириш юзасидан масъ- улиятли вазифалар оқлатилган.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, Департаментнинг На- манган вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари асо- сий эътиборни тadbиркорлик- ни қўллаб-қувватлаш, инсофли тadbиркорларни ҳимоя қилиш, бизнесни юритиш ва инвести- цияларни жалб этиш учун яна- да қулай шарт-шароитларни яратишга, бюджет маблагларини самарасиз сарфлаш ҳамда талон-торож қилинишининг ол- дини олишга қаратишмоқда.

Бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан жорий йилнинг 1-чорагида ўтказилган тезкор-қидирув тadbирлари да- вомида жами 81 та ҳуқуқбузар- лик ҳолатлари аниқланди. Шун- дан 48 таси бўйича жиноят иши қўзғатилди. 33 та ҳолат бўйича эса тўпланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг тегишли моддалари билан маъмурий тартибда ҳал этилди. Аниқланган ҳолатлар бўйича давлат бюджетига 9 миллиард 956 миллион сўм қўшима солиқ- лар ҳисобланди ва 2 миллиард 371 миллион сўми ундирилди.

Бундан ташқари, бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари то- монидан ўтказилган ҳорижий валюта маблагларини ноқону- ний муомалага киритишнинг олдини олишга қаратилган тез-

соғлом рақобатни кучайтириш ва бозорларга сифатсиз мах- сулотлар кириб келишининг ол- дини олиш ҳам доимий эъти- боримизда турибди. Мазкур йўналишда ўтказилган тезкор- қидирув тadbирлари давомида яширин ишлаб чиқариши фаоли- яти билан боғлиқ 5 та ҳуқуқбу- зарлик аниқланди, 4 та ҳолат- да жиноят иши қўзғатилди. 1 таси бўйича тўпланган ҳуж- жатлар маъмурий тартибда ҳал этилди. Бу жараёнда ҳуқуқбу- зарлардан 32,2 миллион сўм- лик товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эр- кинликларини ҳимоя қилиш ҳамда тadbиркорликни қўллаб- қувватлаш, бизнес юритиш ва инвестицияларни жалб этиш учун янада қулай шарт-шароит- ларни яратишда мансабдор шахслар томонидан коррупция ҳолатларининг олдини олишга қаратилган тезкор-қидирув тadbирлари давомида 15 та ҳуқуқбузарлик аниқланди, бар- часи бўйича Жиноят кодексининг 210-211-моддалари билан жиноят иши қўзғатилди. Бу тур- даги коррупция жиноятлари 6 та ҳолатда ҳокимият, 1 та ҳолатда банк, 1 та ҳолатда мо- лия ва 14 та ҳолатда бошқа ид- раларнинг мансабдор шахсла- ри томонидан содир этилган. Шунингдек, бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан 2019 йил 1-чорагида бюджет маблагларини талон-торож қилиш, улардан самарасиз фойдаланиш ҳолатларининг ол- дини олишга қаратилган тез- кор-қидирув тadbирлари даво- мида мансабдор шахслар томонидан бюджет маблагларини ўзлаштириш билан боғлиқ 7 та ҳуқуқбузарлик аниқланди, жи- ноят ишлари қўзғатилди.



## Эҳтиёт бўлинг, фирибгар!

Бахтиёр РАҲАБОВ,  
Департаментнинг Қарши шаҳар бўлими катта инспектори

Фақат мўмай даромад топиш дарди билан яшаётган одам борки, жиноят кўчасига қадам қўйиши турган гап. Бу йўлда кимдир ўғирлик қилса, бошқаси босқинчиликка, яна кимлардир эса фирибгарликка қўл уради.

Департаментнинг Қарши шаҳар бўлими ва вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан фуқаро К.Арипов (исм- фамилиялар ўзгартирилган)нинг мурожаати юзасидан тезкор тadbир ўтказилди. Маълум бўлишича, фуқаро Дилдора Исо- миддинова фуқаро К.Ариповни "ERIEL" нодавлат ташкилотининг Қарши шаҳрида жойлашган бўли- мига танишлари орқали "нефть бурғуловчи" вази- фасига ишга жойлаштириб қўйишни ваъда қилиб, пора тарихасида 1200 АҚШ доллари сўраган. У фирибгарлик йўли билан К.Ариповни пора беришга қизиқтириб, ундан кимёвий ишлов берилган 1000 АҚШ долларини олган вақтда ушланган.

Мазкур ҳолат юзасидан фуқаро Дилдора Исо- миддиновага нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖЗнинг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Фарғона шаҳрида хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда умумий қиймати 7 миллион долларлик тошдан экологик тоза қозғоз ишлаб чиқариш инновацион лўйиҳаси амалга оширилмоқда.



# ДАРБАДАРЛИК ОРТИДАГИ ФОЖИА

Қиш куни қундуз соат иккиларда шаҳар ИИБ навбатчилик қисмида хабар қилишди. Профилактика нозири дарров Бозорбоши кўчасидаги қурилиши битмаган бинога етиб борганида тез тиббий ёрдам шифокори: «Томда ётган мурдани кўздан кечирдик. Бошида, бўйнида жароҳатлари бор», деди. Нозир ёнида турган қўллари қон юки йигитга юзланди. Эгнига ҳам қон сачраганди.



Файратжон БАКИРОВ,  
Фарғона вилоят прокуратураси  
бўлим бошлиғи

— Ўзини ўзи осиб қўйипти, — деди у. — Арқонни кесаётганимда боши билан бетонга тушди. Тез ёрдамга, ИИБга телефон қилдим.

Унинг ёнида хужжати йўқ эди. Профилактика нозири йигитга ҳеч қандай кетмай туришини тайинлаб, юқорига кўтарилди. Мархумни таниди. У кўпинча деҳқон бозори теварагида юрадиган бошпанасиз дайди эди. Кейинчалик терговда аён бўлганидек, мархум Юрий Нагдиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Фарғона шахрининг марказидаги кўпқаватли бинолардан бирида ўсган. Онаси болалигида вафот этгач, бобоси ва бувиси қарамоғида қолган. Улардан кейин мерос хонадонини сотиб юбориб, ичкиликка муқасидан кетган. Жиноятга қўл урган. Жазони ўтаб қайтганидан сўнг бошпанасиз дайди ўзига ўхшаган шерги билан полиэтилен идиш йиғиб топшириб, топган пулини ич-

киликка сарфлаган, дуч келган жойда ётиб юрган.

Мархумнинг бўйнида сиртмоқ изи бор, боши ёрилган эди. Тезкор-тергов гуруҳи раҳбар ва ходимлари етиб келиб, воқеа жойини кўздан кечирди. Қурилиши битмаган бинонинг томидаги бўшаган ароқ шишаси мархум улфатлари билан спиртли ичимлик ичиб

ростини айтишга мажбур бўлди...

С.Гараев Тошкент шахридаги "Меҳрибонлик уйи"га, кейинчалик Фарғона шаҳар "Ногирон болалар уйи"га жойлаштирилган. Муассаса врач-психологининг айтишича, у бу ерда яшаб юрган кезлари ички тартиб-қоидаларга очикдан-очик бўйсунмаган, ёшлагидан

бияланувчиларни кўргани келган кишиларнинг раҳмини келтириш учун етимлигини айтиб, кўз ёши тўккан, уни ўзлари билан олиб кетган одамларнинг уйдан ўғирлик қилиб қочган. ИИБ ходимлари Сергейни бир неча марта шаҳар кўчаларидан ушлаб келишган. Хуллас, бу шахс 18 ёшга тўлгач, Қўқон шахридаги эркалар "Мурувват уйи"га юборилган экан. Бироқ у ердан ҳам чиқиб кетган. Ўғирлик қилиб судланган.

У Фарғона шахрининг Қашқар кўчасидаги хонадонда рўйхатда турса-да, муқим яшаш жойи йўқ, ҳеч қаерда ишламай, полиэтилен идиш ва қоғоз йиғиб топшириб юрган кезлари ўзи каби дайди, мархум Ю.Нагдиев билан танишган. Баъзида бирга улфатчилик қилиб, спиртли ичимлик ичиб турган.

— Ўша куни эрталаб, Қиргули мавзесидан қоғоз чиқитларини йиғиб, шаҳардаги

*Тарбияланувчиларни кўргани келган кишиларнинг раҳмини келтириб, кўз ёши тўккан йигитча уни ўзлари билан олиб кетган одамларнинг уйдан ўғирлик қилиб қочган.*

ўтирганидан далолат. Қурилиши битмаган уйда бирон-бир тўсин бўлмаса, мархум ўзини қандай оса олади? Суриштирув жараёнида ўзини айбсиз қилишга уринган, ИИБ ва тез ёрдамни чақирган Сергей Гараевнинг гаплари чалқашиб,

ўғирликка, безориликка мойил бўлиб, бир неча марта муассасадан қочиб кетган. Умуман дарсларга қизиқмаган. Хоҳларини пайтида ўқитувчиларнинг асабига тегиб, дарсдан чиқиб кетарган. Ёлгон гапларни кўп гапирган, ташқаридан тар-

қайта ишлайдиган корхонага топширдим, — деди у суд мажлисида айбига иқдор бўлиб. — Сўнгра Деҳқон бозорида Толикни учратиб қолдим. Унга улфатчилик қилайлик, дедим. У Юрани чақирди. Бирга спиртли ичимликлар олиб, бозор яқинидаги қурилиши битмаган бинога чиқдик. Овқат пишираётим, спирт, ароқ ичдик. Юра маст бўлиб қолди. Толикни сўкиб, ҳақорат қила бошлади. Унга бас қил, дедим. Юра ёмон сўқинди. Жаҳлим чиқди. Унинг ёнида пичоғи бор эди. Пичоғидан хайқиб, орқа тарафига ўтиб, гишт бўлгаги билан бошига урдим. Толик қочиб, пастга тушиб кетди. Боши қонаган Юра ўлдираман сени, дея яна бўралаб ҳақорат қила бошлади. Кейинчалик қасдини олишидан қўриқиб, шу ерда ётган ипни олдим, бўйнига солиб, ўн дақиқача бўғиб турдим. Ўлганга ўхшади. Пастга тушиб, ўзим тез ёрдам ва ИИБга хабар бердим...

Шу тариқа С.Гараев "Юра ўзини осиб қўйипти", дея сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлди. Ёлгон гапларидан тугтилиб, қилмишига иқдор бўлди. Келаси куни воқеа жойида улфатини қай йўсунда ўлдирганини айтиб, кўрсатиб берди.

Эркалар "Мурувват уйи"дан бошлана берилиб, ижтимоий ҳимояга олинган, муассасадан чиқиб кетгач, ўз билганидан қолмасдан, дайдиб юриб, ичкиликка муқасидан кетган С.Гараев охири-оқибати ўта оғир жиноятга қўл урди. Суд ҳукми билан у узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

JINOYAT VA JAZO

## МАЪНАВИЙ ҚАШШОҚЛИК ЖИНОЯТГА БОШЛАДИ

**Тўйчи (исмлар ўзгартирилган) эрталабдан синфдоши Али билан шаҳарга ишга кетди. Йигитлар кечга яқин қайтишди. Тўйчи ишда қиядиган кийимларини Алиникида қолдирди.**

Уйига кетаётиб, таниши Зоирни кўриб қолди. Биргаллашиб спиртли ичимлик ичишди. Уларни учратиб қолган Зоирнинг отаси ўғлини қулғидан чўзиб олиб кетди. Тўйчи ҳам уйига кетаётганда. Лекин йўлда фикрдан қайтди. Ижарага берилган уйга бориб, хабар олмақчи бўлди ўзича.

Тўйчининг онаси бўш турган уйига Матлубани оиласи билан ижарага қўйган эди. Аёл Туркияга ишлашга кетган. Ўғли Ёрбек автомашини ювиш шохобчасида ишлайди, кўпинча ўша



ерда тунаб ҳам қоларди. Қизи Лазиза эса баъзан уйда ёлғиз қоларди.

Эшикни тақиллатгач, ичкаридан "ким" деган овоз келди.

— Мен Тўйчиман, — деди у.

Лазиза эшикни очганда у ичкарига кирмоқчи бўлди.

— Кун кеч бўлиб қолди, уйга кирманг, — деди қиз.

— Бошқа эркалар кириб юрибди-ку, биз кирсак нима кипти?

— Қиз маст йигитга бас келолмаслигини билиб, акасига қўнғироқ қилди. Ёрбек бирга ишлайдиган таниши Дилмуродни олиб, тез етиб келди.

— Турли гаплар эшитаяпман, уйга ҳар хил эркалар келаётганмиш, — деди ичкилик таъсиридан чайқалиб турган Тўйчи.

— Бўлмаган гап. Синглим ёлғиз эмас, холам билан туради. Мен ўзим тез-тез хабар олиб тураман. Одамлар ҳар нима деб гапираверади-да, — деди Ёрбек.

Ширакайф Тўйчи бир гапга ёпишиб олди:

— Онам эшитса, ёмон бўлади. Чиқариб юборай, — деди.

— Ижара пулини олдиндан тўлаб қўйганмиш. Шу ой тугасин, чиқиб кетамиз, — деди у билан тортишиб ўтиришдан фойда йўқлигини билган Ёрбек.

Икковлон Тўйчини уйига кузатиб, ишонамга кетишди. Лекин Тўйчи уйигача бормади, яна изига қайтди. Эшик олдида келиб, Лазизага:

— Ташқарига чиқ, сенда гапим бор, — деди.

Бу пайтда қиз телефонда таниши Ёлбек билан гаплашаётганда. У Лазизага куракда турмас гаплар айтди. Бу гапларни Ёлбек эшитиб турганда.

Орадан кўп ўтмай йи олдида машинани тўхтади. Ёлбек 4-5 нафар йигитлар билан келиб, Тўйчига ташлаб кетди. Унинг дуч келган жойига уриб-тепиб кетишди.

Тўйчининг жаҳли чиқди. Бу жанжални Ёрбек билан Дилмурод уюштиришган, деб ўйлади. Миясида шум фикр пайдо бўлди, улардан ўч олишни ўйлади. Тобора жаҳлига эрк бераётган йигитнинг ичидида шайтон уни ҳун олишни бугундан қолдирмасликка ундарди.

Тун ярмидан оққан бўлишига қарамай ўзини хўрлангандек сезаётган Тўйчи ичидидаги шайтон измидан чиколмас, тобора ўзини унинг измига ташларди.

У дўсти Алининг дарвозасини уриб, чақирди. Тўйчининг мастлигини қўриб: — Нима қилиб юрибсан, уйингга бор, — деди у.

— Кийимларимни олиб бер, — деди Тўйчи.

Али уйи томон кетди. Тўйчининг кўзи хонтахтадаги пичоққа тушди. Алининг келишини кутмай, пичоқни олиб кетди.

Автомобиллар ювиш жойи учта дарвозали экан. Дарвозалар ёпиқ. Тўйчи одам кирса бўладиган тешик топди. Ўша ердан ичкарига кирди. Хонада

Синдор ЭРГАШЕВ,  
Самарқанд вилоят прокуратураси  
бўлим прокурори

Ёрбек бир ўзи ухлаб ётганда. Ўч олиш хаёли бутун вужудини эгаллаган йигит ожиз аҳволдаги Ёрбекка ташланди.

Қаттиқ яраланган йигит омон қолиш илнжиди кўчага югурди. Бироқ кўп юрмади, оғриқдан ерга йиқилди. Ярим тунда бу йўлдан ҳеч ким юрмади. Натихада йигитнинг жони шу ерда узилди. Ёрбекка ёрдам қўлини чўзадиган кимса топилмади. Тўйчи иш жойига келаётган Дилмуродга йўлиқди.

— Бу ёққа кел. Мени дўппослаганлар орасида сен ҳам бормидинг? — деди пишириб.


— Йўқ. Кимни айтмасан, мен у ерда йўқ эдим, — деди Дилмурод.

Тўйчи пичоқ билан унга ҳам ташланди. Қўлидан яраланган Дилмурод ортга қарамай югурди. "Қасоскор" йўлда йиқилиб, Дилмуродни кўздан қочирди. Аксинча бўлганда уни ҳам Ёрбекнинг холига соларди...

Тўйчи уйига келганида унинг афт-ангорини кўрган онаси тез ёрдамни ҳам, ИИБ ходимларини ҳам "оёққа турғизди". Ўзича ўғлининг қилмишларидан бехабар она Тўйчини шу аҳволга солганларнинг "ковушини тўғрилаб" қўймоқчи эди. Тонгда эса асл ҳақиқат ошкор бўлди.

Суд ҳукми билан Тўйчи 18 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.





Мамлакатимизда оилалар мустақамлигини, уларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, жамият фаровонлигини юксалтиришга қаратилган тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бош Қонуни-мизда ҳам оилага алоҳида боб ажрати-либ, унинг манфаатлари муҳофаза қилинаётгани ва оила мустақамлиги тамойиллари белгиланиб, кафолат-лангани бежиз эмас.

## Оилага эътибор

### ўзлигимизга эътибордир

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институти-ни мустақамлаш соҳасидаги фаоли-ятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳам оила мустақамлигини таъминлаш, хотин-қизларнинг оила ва жамиятда-ги ролини ошириш, ҳуқуқ ва манфаат-ларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Маълумотларга кўра, мамлакатим-изда ажралишлар сони ҳар йили 10-11 фоизга ошиб бораёти. Оқибат-да, асосан аёллар ва болалар жабр кўрмоқда.

Президентимизнинг юқорида қайд этилган фармонида шу каби муаммо-ларни ҳал этиш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланган.

### Жорий йил январь ва февраль ойларида 12 тадан оила яраштирилди.

Мазкур чора-тадбирлар ижроси юзасидан Бош прокуратура ҳузурида-ги Мажбурий ижро бюроси директори ва вилоят бошқармаси раҳбарияти то-монидан бўлимлардаги алимент унди-риш билан боғлиқ ижро ҳужжатлари бўйича тарафларга тушунтириш иш-лари олиб борилиб, яраштириш чоралар-ини кўриш юзасидан доимий равиш-да топшириқ ва кўрсатмалар бериб бо-рилади.

Бюронинг Тўрақўрғон туман бўлими иш юритувида ўтган йили алимент унди-риш билан боғлиқ 2369 та ижро ҳуж-жати мавжуд эди. Бўлим ходимлари то-монидан жойларда ўтказилган тарғи-бот тадбирлари ҳамда олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида 35 та оила яраштирилди. Шунингдек, 28 та оила ўзаро келишиб олгани сабабли ундирувчиларнинг аризаларига асосан

Аббосхон САДИКОВ,  
МИБ Тўрақўрғон туман бўлими  
бошлиғи ўринбосари

ижро ҳужжатлари қайтарилиши таъ-минланди. Натижада 2019 йил 1 январь ҳолатига 2295 та алимент ундириш билан боғлиқ ижро ҳужжатлари қолди. Яъни бўлимда ижро ҳужжатлари камай-ди.

Юқоридаги тадбирлар жорий йил-да ҳам давом эттирилиб, январь ойи-да 12 та, февраль ойида ҳам 12 та оила яраштирилди. Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро суди-нинг 2018 йил 24 декабрдаги суд буйруғига асосан қарздор Ж.Тўрабо-евдан ундирувчи С.Тўрабоева фойда-сига икки нафар фарзандининг мод-дий таъминоти учун даромадининг уч-дан бир қисми миқдорда алимент унди-риш тўғрисидаги ижро ҳужжати 2019 йил 7 январь кuni бўлим юритуви-га келиб тушди. Тарафлар ва уларнинг оила аъзолари билан олиб борилган тушунтириш ишлари давомида мазкур оила ярашди.

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўй-ича Чуст туманлараро судининг 2017 йил 11 июлдаги буйруғига асосан қарздор Б.Кўчқоровдан ундирувчи Н.Манноно-ва фойдасига икки нафар фарзанди-нинг моддий таъминоти учун тоглан даромадининг учдан бир қисми миқдо-рида алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати 2018 йил 10 август кuni бўлим юритуви-га келиб тушди. Мазкур оила ҳам ходимларимиз томонидан олиб борилган тушунтириш ишлари давомида ярашиб кетди.

Юқоридагилар каби бирор сабаб билан айро кетиш орасидаги оила-ларни бирлаштириш ҳам оила манфа-атини таъминласа, ҳам бу оилада дунё-га келган, мурғаклигиданок нотинчлик қурбони бўлаётган болажонлар ҳуқуқ ва манфаатини таъминлашга хизмат қилади. Демак, бу борадаги фаоли-ятимизни янада кенг қўламда давом эттираверамиз.

## Тарғибот ишларига қарамасдан

Дилкашбек ХАЙДАРОВ,  
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлим бош суриштирувчиси

Олиб борилаётган кенг қўламли тарғибот ишларига қарамасдан, айрим истеъмолчилар томонидан электр энергияси, сув ва табиий газ истеъмоли бораси-да ҳамон ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмоқда. Мисол учун, 2016 йил 1 апрелдан "Baxtiyor Universal" МЧЖ раҳбари вазифасида ишлаб келган Дилшод Миразизов (исм-фамилияси ўзгартирилган) Қибрай тумани "Дўрмон" МФЙда жойлашган 12 та кўп қаватли уй ва 1 та мактабгача таълим муассасасига иссиқлик этказиб бериш вазифасини ўз зиммасига олган. Бирок у "Ўзгазтранс" АЖ Тошкент вилоя-ти худудий газ таъминоти Қибрай филиали ҳамда Тошкент вилояти "Сувоқова" ДУК Қибрай филиали билан газ ва сув этказиб бериш бўйича шартнома тузмас-дан, ўзбошимчилик билан сув ва газ тармоқларига улашиб, белгиланган тартибга зид равишда фаолият кўрсатиб келган.

У табиий газдан ноқонуний равишда 46 кун фойдалангани сабабли "Ўзгаз-транс" АЖ Тошкент вилояти худудий газ таъминоти Қибрай филиалига 214 мил-лион 634 минг 756 сўмлик, шунингдек, "Сувоқова" ДУК Қибрай филиалига 106 миллион 133 минг 369 сўмлик зарар етказса-да, зарарни тўламаган.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, суд ҳукмига кўра, Д.Мирази-зовга икки йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

## ИККИ НАЗОРАТЧИ

### 58 нафар истеъмолчини қарздорга чиқарди

Гулноза ДИЛМУРОВА,  
МИБ Қашқадарё вилоят бошқармаси катта инспектори

Бюронинг Қашқадарё вилоят бошқармаси органилари томонидан энергия ва сув ресурслари тармоқларига ноқонуний уланган истеъмолчиларни аниқлаш, қарздорликларни бартараф этиш асносида кўплаб фирибгарлик ҳолатларига ҳам дуч келинмоқда.

Жумладан, муқаддам "Мириш-кортумангаз" филиалида абонент хизмати аҳоли назоратчиси лавози-мида ишлаган Жўрабек Абдуллаев ва Фарҳод Турсунов хонадонларда хат-лов ўтказмасдан, Янги Миришкор ма-ҳалласида яшовчи 58 нафар фуқаро-га нисбатан ўзбошимчилик билан лойиҳадан ташқари сохта далолатно-малар тузишган. Ушбу далолатнома-ларда фуқароларнинг ҳар бирига 600 метр кубдан, жами 6 миллион 320 минг сўмлик газ сарфини тақсимлаб, сохта ёзув ва маълумотлар билан им-золарни қалбақлаштиришган. Сўнг-газ сарфи ҳақидаги маълумотларни ноқонуний равишда "Миришкорту-мангаз" филиалининг "Биллинггаз" дастуридаги истеъмолчиларнинг абон-ент ҳисоб рақамларига киритишга, бу билан асоссиз равишда табиий газдан истеъмолчилар ҳисобига қарз-дорлик ҳосил қилишга эришадилар. Эътиборлиси, Жўрабек Абдуллаев

2018 йил 2 февралда ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 205-моддаси 2-қисми "а" банди, 209-мод-даси 2-қисми "а" банди билан айбли деб топилиб, тегишли жазо олган эди. Афсуски, у қонунга зид қилмишидан тўри хулоса чиқармади.

Юқоридаги ҳолат юзасидан Ж.Аб-дуллаевга 1 йил муддатга мансабдор-лик ва моддий жавобгарлик ишлари-да ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиш ва ойллик иш ҳақининг 20 фоизи давлат даромадига ундирилган ҳолда 2 йилу 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, Ф.Турсуновга эса иш ҳақининг 20 фои-зини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йилга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Жиноятга, албатта, жазо муқаррар. У эртами-кеч, барибир очилади. Шу-нинг учун ҳар ким ўзига билдирилган ишончини оқлаб, вазифасига сидқидил-дан ёндашса, эл-юрт олдида ўзи қора бўлмайди.

## Бебаҳо неъматлардан оқилона фойдаланайлик!

Бюронинг Конимех туман бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизо-мини янада мустақамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда Ўзбеки-стон Республикаси Вазирлар Маҳма-сининг "Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини тако-миллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижро-сини таъминлаш мақсадида энергия ресурсларини талон-торож қилиш ҳамда тармоқларга ноқонуний улаши-ларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш йўналишида бир қатор ишлар амалга оширилиб келин-моқда.

Хусусан, ўтган йил давомида бўлим ходимлари томонидан электр ва газ

Ғолибжон ХУСАНОВ,  
МИБ Конимех туман бўлими бошлиғи

тармоқларига ўзбошимчилик билан ноқонуний улашишга доир 58 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, барча ҳолатлар бўйича маъмурий иш материаллари расмийлаштирилган. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар натижа-сида таъминотчи корхоналар манфа-атларига жами 21 миллион 465 минг сўмлик зарар етказилгани аниқланган ҳамда тегишли тартибда зарар сумма-ларни тўлиқ ундириб олинган.

Ҳуқуқбузарликни содир этган 29 нафар шахсга нисбатан расмийлашти-рилган маъмурий иш материаллари бевосита бўлим томонидан кўриб чи-қилиб, уларга 24 миллион 942 минг сўм миқдорда жарима жазолари қўлла-нилган ҳамда жарима суммалари тўлиқ равишда ундириб олинган.

РЕКЛАМА

«SAMARQAND MULK MARKAZI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, АТ "Халқ банки" Самарқанд вилоти филиали Амалиёт бўлимининг 2019 йил 15 майдаги 431-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги автомобиллар кўйилмоқда: а) "НЕКСИЯ-2" русумли автома-шина. 2014 йил ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 067 ВАА, техник носоз. **Бошланғич баҳоси — 27 156 000 сўм.** б) "НЕКСИЯ-2" русумли автомашина. 2010 йил ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 766 ГАА, техник носоз. **Бошлан-ғич баҳоси — 16 612 000 сўм.**

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабр-даги 343-сонли қарорига мувофиқ ҳамда Булунгур туман ҳокимлигининг 2019 йил 5 майдаги 136-сонли буюртманомасига асосан Самарқанд вилоти Булун-гур туман ҳокимлигида сақланаётган 2005 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақа-ми 30 261 ТАА, техник носоз бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси — 4 136 000 сўм бошланғич баҳода очик аукцион савдоларига кўйилмоқда.

**Аукцион савдоси 2019 йил 17 июнь кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Ушбу автомобиллар 17 июнь кuni сотилмаган тақдир-да, такоррий савдолар 24 июнь ва 1 июль кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 18:00 да тўхтатилади. Савдо ғолиб-га 10 иш кuni ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар I банд бўйича машина бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, II банд бўйича машина бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини АТИБ "Ипоте-ка банк" Кўқсарой филиалидаги 2020800804942465001 (МФО:00262, ИНН:302129857) ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳар, М.Қошғарий кўчаси, 58-уй, 2-қават. Тел: (0366) 233-80-13. Гувоҳнома №05496.

Хизматлар лицензияланган



# ИМКОНИЯТЛАР ЭШИК ҚОҚМОҚДА

Ресурс ва энергия тежайдиган технологияларга асосланган иссиқхона ҳўжаликларини жадал ривожлантириш учун қўшимча шароитлар яратиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, соҳани малакали мутахассислар билан таъминлаш ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмларини оширишга бугунги ислохотларда алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 ноябрдаги "Иссиқхона комплексларини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим босқични бошлаб берди.

Ҳўжат билан мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, саралаш, қадоклаш ва экспорт қилишининг бутун заنجирини ўз ичига олувчи мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг кластер шаклини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида жорий қилиш, энергиянинг муқобил манбалари, энергия самардор ва энергия тежамкор технологиялардан фойдаланган ҳолда замонавий иссиқхона комплексларини яратиш сингари қўллаб-вазифалар белгиланди.

Кластерлар, шу жумладан химояланган майдонларда, гидропоника ва аэропоника технологияларини қўллаган ҳолда техник дон, дуккакли дон, сабзавот, полиз ва бошқа экинлар уруғларини етиштириш, тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланади.

Қарорга биноан, 2019 йил 1 сентябрга қадар Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш марказининг сифатни назорат қилиш лабораторияси негизда лаборатория амалиётининг халқаро стандартлари (GLP) бўйича замонавий юқори технологияли ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ ҳўжалиги экинлари уруғларининг нав,

генетика ва экиш сифат кўрсаткичларини баҳолаш бўйича лаборатория ташкил этилади.

Мазкур лаборатория Уруғ сифатини назорат қилиш бўйича халқаро уюшмада (ISTA) аккредитациядан ўтказилади. Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази эса ISTAга аъзо сифатида киритилади.

Яна бир муҳим янгилик. Келгуси йилдан бошлаб етиштиришининг гидропоника усули қўлланадиган иссиқхона комплекслари учун сабзавот экинларининг ҳосилдорлиги ва сифати юқори бўлган, транспортда ташшига мўлжалланган, жон бозори талабларига мос келадиган навлари ва дургайлари яратиш бўйича 5 йиллик давр учун илмий лойиҳаларнинг республика грант танловини ташкил этилади.

Шунингдек, 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб "Иссиқхона

ҳўжаликлари ташкил этиш ва юритиш", "Агрокимё ва агротупроқшунослик", "Ўсимликларни химоя қилиш" ихтисосликлари йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига бакалаврлар тайёрлаш юзасидан қабул квоталари камидан 2 баробар оширилади.

Дарвоқе, жорий йилда замонавий иссиқхона комплексларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш учун Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси, бошқа халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукуматлар молия ташкилотларининг кредит линиялари ҳисобига 200 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган ҳажда маблағлар жалб қилиниши кўзда тутилган.

2019-2020 йилларда тегишли лойиҳалар сони ва улари амалга ошириш учун талаб этиладиган валюта ҳажмидан қатъи назар, қуйидаги кредитлар бўйича фоизлар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилди:

айланма маблағлари тўлдирिशга: уруғлик, қўчат, минерал ўғитлар, ўсимликларни химоя қилишининг кимёвий воситала-


**Ҳабиб ҲАМИДОВ,**  
Бухоро вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

ри, кўмир, кўмир брикети, суёқ ва ёқилгининг бошқа турлари ва ҳоказоларни харид қилишга ажратилаётган кредитлар бўйича — банк томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 25 фоизи миқдоридан, бироқ 5 фоизли пунктлардан ортмаган даражада;

энергиянинг муқобил манбаларидан (кўмир, кўмир брикети, суёқ ва ёқилгининг бошқа турларидан), энергия самардор ва энергия тежамкор технологиялардан фойдаланган ҳолда замонавий иссиқхона комплексларини ташкил этиш учун ажратилаётган кредитлар бўйича — банк томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 50 фоизи миқдоридан, бироқ 10 фоизли пунктлардан ортмаган даражада.

Шунингдек, юридик шахслар 2021 йил 1 январга қадар замонавий иссиқхона комплекслари, уларнинг бутловчи қисмлари ва гофрланган картон идиш ишлаб чиқаришда фойда солиғи, ЯСТ ва ҚҚСдан озод этилади. Иссиқхона фаолиятига тегишли хомашма ва материаллар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар учун божхона тўловларидан ҳам озод этилади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Қарор мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилиш ҳажмларини кўпайтириш, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш, қишлоқ ҳўжалигига инновацион технологияларни жорий этиш, мавжуд табиий ва меҳнат ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва бандликни таъминлаш орқали аҳоли турмуши даражасини янада оширишга хизмат қилади.



«BEST AUTO AUCTION» МЧЖ Самарқанд минтақавий филиали бошланғич баҳоси охириш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 06 майдаги 01-17-сонли буюртма хатига асосан, Самарқанд вилоят адлия бошқармасига қарашли, Самарқанд шаҳри Бобур Мирзо кўчаси 12-уйда сақланаётган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 885 ВАА, техник нозоз бўлган "НЕКСИЯ" русумли автомашина қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 12 403 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2019 йил 17 июнь кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати: 2019 йил 14 июнь кuni соат 18:00.

Ушбу мулк 2019 йил 17 июнь кuni сотилмаган тақдирда, такрорий савдо-лар 2019 йил 2 ва 17 июль кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Такрорий аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш белгиланган савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Шунингдек, мазкур буюртма хати билан Самарқанд вилоят адлия бошқармасига қарашли, Самарқанд шаҳри Бобур Мирзо кўчаси 12-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1) 2003 йил ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 884 ВАА, техник нозоз бўлган "ГБАСНГ НЕКСИЯ" русумли автомашина, бошланғич баҳоси — 11 746 000 сўм; 2) 2006 йил ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 903 ВАА, техник нозоз бўлган "МАТИЗ" русумли автомашина, бошланғич баҳоси — 9 665 000 сўм; 3) 2009 йил ишлаб чиқарилган, дав-

лат белгиси 30 896 ВАА, техник нозоз бўлган "МАТИЗ" русумли автомашина, бошланғич баҳоси — 10 632 000 сўм; 4) 2009 йил ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 883 ВАА, техник нозоз бўлган "ГБАСНГ МАТИЗ" русумли автомашина, бошланғич баҳоси — 10 293 000 сўм; 5) 2009 йил ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 895 ВАА, техник нозоз бўлган "ДАМАС" русумли автомашина, бошланғич баҳоси — 11 461 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 31 май кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати: 2019 йил 30 май кuni соат 18:00. Ушбу мулк 2019 йил 31 май кuni сотилмаган тақдирда, такрорий савдо-лар 2019 йил 17 ва 31 июль кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Такрорий аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш белгиланган савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Савдо голибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "BEST AUTO AUCTION" МЧЖ Самарқанд минтақавий филиалининг АТИБ "Ипотека банк" Кўксарой филиалидаги 20208000700805784002 (МФО:00262, СТИР:305089257) ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Самарқанд шаҳар, Кўксарой майдони 1-уй, 210-хона. **Телефон:** (+99893)355-80-55, (+99897)925-77-90. **Электрон почта манзили:** best.samarqand@inbox.uz. **Гувоҳнома** №547246.

Хизматлар лицензияланган

## РЕКЛАМА

«BEST AUTO AUCTION» МЧЖ Самарқанд минтақавий филиали бошланғич баҳоси охириш тартибда ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарори, "Кафолат сугурта компанияси" АЖ Самарқанд вилоят филиалининг 2019 йил 10 майдаги 02/07-196-сонли буюртма хатига асосан Самарқанд шаҳар, Пушкин кўчаси 15-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

2002 йил ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 247 ЖАА бўлган "Нексия" русумли автомашина, бошланғич баҳоси — 23 859 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2019 йил 31 май кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати: 2019 йил 30 май кuni соат 18:00.

Ушбу мулк 2019 йил 31 май кuni сотилмаган тақдирда, такрорий савдо-лар 2019 йил 11 ва 21 июнь кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Такрорий аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш белгиланган савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Савдо голибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар автотранспорт воситаси учун бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, закалат пулини "BEST AUTO AUCTION" МЧЖ Самарқанд минтақавий филиали АТИБ "Ипотека банк" Кўксарой филиалидаги 20208000700805784002 (МФО:00262, СТИР:305089257) ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Самарқанд шаҳар, Кўксарой майдони 1-уй, 210-хона.

**Телефон:** (+99893) 355-80-55, (+99899) 731-80-55. **Электрон почта манзили:** best.samarqand@inbox.uz. **Гувоҳнома** №547246.

Хизматлар лицензияланган

## Келгуси сонда ▶

### Долзарб мавзу

Қорақалпоғистондан келиб, Тошкент шаҳрида янги қурилган уйлardan харид қилиб, пойтахтга рўйхатга турмоқчи бўлган фуқаро фирибгарга йўлиқиб, 120 миллион сўмга «Чув» тушди.

## HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

**Jahongir MAKSUMOV**

TAHRIR HAY'ATI:

**Erkin YULDASHEV  
Halim BOLTAYEV  
Djaxongir MIRSAFAYEV  
Surayyo RAHMONOVA  
Baxtiyor NAZAROV  
Kamoliddin ASQAROV**

TAHRIRIYAT  
MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.  
Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53, 233-64-85

www.huquq.uz

info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrig qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganida manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

□ — tijorat materiallari.

Buyurtma v-3411.  
19 451 nusxada bosildi.  
Qog'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.  
Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA  
Sahifalovchi: S.SOBOJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.  
Korxonamanzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan to'xtatildi.

ISSN 2010-7617



Жаҳон банкининг Глобал инфратузилма жамғармаси (GIF) янги «Тошкент-Андижон» пуллик автйўлини қуриш лойиҳаси учун изланиш грантини ажратди.



# МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!



**Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Махсетбай Халмуратов табаррук 70 ёшни қарши олмақда.**

У прокуратура органлари тизимидаги 41 йиллик меҳнат фаолияти давомида турли лавозимларда, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туман прокуратурасининг кат-

та нозири, Бөрүний туман прокурорининг ёрдамчиси, Тахтақўпир, Қораўзақ, Кегейли туман прокуратураларида терговчи, Бузотов ва Чимбой туман прокуратураларида туман прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг биринчи ўринбосари лавозимларида самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Бугун сафимизга кириб келаётган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Махсетбай Халмуратовнинг узок йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба рағбатлан-тирилди.

Хурматли Махсетбай Халмуратов, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сыхат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

вилоят прокуратуралари идораларида турли масъул лавозимларда самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида хурмат қозонди.

Бугун сафимизга кириб келаётган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Кўчқор Ғозиевнинг узок йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба рағбатлан-тирилди.

Хурматли Кўчқор Ғозиев, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлик, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!



**Прокуратура органлари тизимида кўп йиллар хизмат қилиб, юртимизда қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Кўчқор Ғозиев табаррук 70 ёшни қарши олмақда.**

У прокуратура органлари тизимидаги 33 йиллик меҳнат фаолияти давомида Жиззах, Сирдарё ва Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиқ Маркази



## ЯНГИ САЙЛГОҲ ОЧИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июлдаги 616-Ф-сонли фармойишига асосан Бош прокуратура томонидан Тошкент шаҳар Олмазор туманида "Дамаши" каналининг узунлиги 1 100 метр бўлган қирғоқ бўйи минтақасида кенг миқёсда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, "Сой бўйи" сайилгоҳи барпо этилди.**

Бу мақсадлар учун Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан зарур миқдорда маблағлар ажратилди.

Канал қирғоқ бўйи минтақаси 7 та лотга бўлиниб, уларда тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳам ресторанлар, дам олиш масканлари, Коворкинг маркази, фитнес клуби ва бошқа бир қатор объектлар ҳамда жаҳонга машҳур Эйфель ва Пиза мино-

ралари, Лувр пирамидаси ва бошқа шунга ўхшаш объектлар макетлари барпо этилди.

Шунингдек, Президентимиз томонидан илгари сурилган ташаббус асосида паррка туташ ҳудудда аҳоли учун қулай кутубхона барпо этилди.

Жорий йил 9 май куни ушбу сайилгоҳнинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтиб, Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан фахрийларимиз учун байрам тадбири ўтказилди.



### SPORT



## Англия чемпиони ЕЧЛдан четлатилиши мумкин

**УЕФА тергов гуруҳи "Манчестер Сити" клубининг молиявий фаолияти борасида суриштирув ишларини олиб бормоқда. Мазкур иш доирасида қондабузарликлар аниқланган.**

NY Times нашрининг ёзишича, клуб молиявий ҳисоботлар ичида ноқонуний ҳужжатларни тақдим қилган. Шу боис, "шахарликлар" қамада бир йилга Чемпионлар лигасидан четлатилиши мумкин.

Эслатиб ўтамоқчи, "Сити" 2014 йилда шундай қондабузарлик туфайли жазога тортилган эди: клуб жаримага тортилиб, трансфер тақиқига учраганди. "Манчестер Сити" ўзига нисбатан айтаётган айбловларни инкор қилиб келмоқда.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамоқчи, дам олиш кунлари якунига етган Англия чемпионатида "Манчестер Сити" клуби навбатдаги чемпионликни қўлга киритди.

**Голландиянинг "Аякс" клуби ҳимоячиси Маттейс де Лигт ўтган йилнинг ёзда "Манчестер Юнайтед" жамоасига ўтиши мумкин бўлган.**

## Воз кечишнинг қизиқ сабаби

Mirror нашри хабарига кўра, "қизил иблислар" амстердамликлар клубининг ёш сардорига жиддий равишда қизиқишган ва айна вақтда трансфер қиймати 70 миллион еврога баҳоланаётган футболчинини ўша вақтда арзонроқ нархга қўлга киритиши мумкин эди. Аммо ўшанда клуб скаут Марселю Бутунинг тавсияси билан келажақда семиртиб кетиши мумкин бўлган ёш футболчини трансфер қилмасликка қарор қилган.

Эслатиб ўтамоқчи, Де Лигт жорий мавсумда "Аякс" сафида барча турнирлар доирасида 53 та учрашувда майдонга тушиб, 7 та гол урди ва 4 та голга узатма берди. Унинг клуб билан шартномаси 2021 йилнинг ёзига қадар тузилган. Унга "Ювентус", "Бавария" ва "Барселона" каби номдор клублар жиддий қизиқиш билдирмоқда.

Де Лигт "Аякс" клуби тарбияланувчиси ҳисобланади. У клуб тизимида 10 ёшида келган ва асосий таркибда 16 ёшидан майдонга туша бошлаган.



## Барчаси финалдан сўнг

Англиянинг "Челси" клуби ярим ҳимоячиси Эден Азар "Реал" Мадридга ўтишга яқин турибди. L'Equipe нашри тарқатган хабарга кўра, мадридликлар бельгиялик футболчининг трансфери борасида "кўлар"



билан келишувга эришишган. Шунингдек, бир неча ҳафта илгари футболчининг ўзи билан шахсий шартнома борасида келишиб олинган.

Азарнинг "Қироллик клуби" аъзосига айлангани ҳақидаги расмий хабар Европа лигаси финалидан кейин эълон қилинади.

Маълумот учун, жорий йилнинг 29 май куни бўлиб ўтадиган Европа лигаси финалида "Челси" ва "Арсенал" жамоалари ўзаро баҳс олиб боради.

"Реал" 28 ёшли футболчи учун тахминан 100 миллион евро тўлайди. Азар ушбу мавсумда лондонликлар сафида жами 51 та ўйинда майдонга тушиб, 19 та гол урди ва 16 та голга узатма берди.

Интернет хабарлари асосида тавёрланди

## Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Департаментнинг Бухоро вилоят бошқармаси жамоачари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиқ маркази Департамент фахрийси

**Рашид МАЖИДОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қиладим.